



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

№ 241 (10.044)

2003 ЙИЛ 17 ДЕКАБРЬ

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ КЕНГАШИНИНГ СЕССИЯСИ

16 декабрь куни халқ депутатлари Самарқанд вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлди. Унда вазирлик ва идоралар раҳбарлари, шаҳар ва туман ҳокимлари, Олий Мажлисга Самарқанд вилоятидан сайланган депутатлар иштирок этди. Сессияда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов нутқ сўзлади. (Нутқнинг тўлиқ матни Республика газеталарида эълон қилинди.)

Сессияда ташкилий масала кўрилди. Ш.Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Бош вазир лавозимига тайинлангани муносабати билан Самарқанд вилояти ҳокими вазифасидан озод этилди. Президент Ислоҳ Каримов тавсиясига биноан, Самарқанд давлат университетининг ректори лавозимида ишлаб келаётган Рустам Холмуродов Самарқанд вилояти ҳокими этиб тасдиқланди. Сессияда сўзга чиққан Пахтачи туманидаги А.Оллоёров номидаги ширкат ҳужалиги раи-

си Ф.Тухтапулатова, Нарпай тумани ҳокими А.Жамилов, Ургут тумани ҳокими, Олий Мажлис депутати Х.Нуруллаев, Каттакўрғон туманидаги 2-ўрта мактаб директори О.Уроқова, «Зарафшон» наشريёти директори Х.Бобомуродова ва бошқалар вилоят ахли Президентининг нутқида қўйилган вазифаларни амалга ошириш, Самарқанд заминининг катта салоҳияти ва имкониятларини рўйбга чиқариш, унинг шуҳратини янада юксалтириш учун ғайрат ва шижоат билан меҳнат қилишини таъкидлади.

Ў.А.

ТУРКИЯ РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ВАЗИРИ РЕЖЕП ЭРДОҒАННИНГ ЎЗБЕКИСТОНГА РАСМИЙ ТАШРИФИГА ДОИР

Туркия Республикаси Бош вазир Режеп Эрдоган шу йил 18-20 декабрь кунлари расмий ташриф билан Ўзбекистонда бўлади.

Ташриф чоғида ўзаро муносабатларнинг бугунги аҳоли ва иқтисодларига оид ҳамда томонларни қизиқтирган бошқа масалалар муҳокама этилиши, шунингдек, қатор муҳим ҳужжатлар имзоланиши режалаштирилмоқда.

XXI саҳоси

Барча мамлакатлардан олинган сўнги хабарлар

Мамлакатимизда

- Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов Озарбайжоннинг мамлакатимиздаги элчихонасига ташриф буюриб, Озарбайжоннинг собиқ Президенти Хайдар Алиевнинг вафоти муносабати билан халқимиз ва ҳукуматимиз номидан ушбу давлат халқи ва ҳукуматиға чуқур ҳамдардлик изҳор этди.
- Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси «Бухоро, Навоий, Наманган, Самарқанд ва Фарғона шаҳарларининг туман маъмурий-ҳудудий тўзилмаларини тугатиш ҳамда Навоий вилоятининг Навоий тумани чегараларини кенгайтириш ва номини ўзгартириш тўғрисида» қарор қабул қилди.
- Халқ депутатлари Тошкент вилоят Кенгашининг навбатдаги сессияси бўлиб ўтди.
- Республика Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигида маҳаллий ва чет эл оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирокида мамлакатимиздаги ноиронлар ижтимоий муҳофазасига бағишланган матбуот анжумани ўтказилди.
- Республика Ташқи иқтисодий алоқалар агентлигида «Ўзбекистон ва Европа Иттифоқи» ўртасидаги Шериклик ҳамда ҳамкорлик битимини амалга оширишни қўллаб-қувватлаш лойиҳаси бошқарув қўмитасининг йиғилиши бўлиб ўтди.
- Навоий шаҳридаги янги «Осиё мевалари» корхонасида бир кунда 350 тоннагача сабзавот ва меваларни қайта ишлаб, қadoқлаш йўлга қўйилди.

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Янгиликлар, воқеалар

- Қиёфа**
- **МАРКАЗИЙ** Офицерлар уйида Мудофага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти ташаббуси билан яқинлашиб келаётган Ватан ҳимоячилари куни олдидан оммавий-ватанпарварлик ойлигини бекамуюкўст ўтказишга бағишланган тадбир бўлиб ўтди.
 - **ЎЗБЕКИСТОН** Фанлар академиясининг тарих институти ташкил этилганлигининг 60 йиллигига бағишлаб уюштирилган республика илмий семинари «Ўзбек халқи ва давлатчилиги тарихи» деб номланди.
 - **ШАХРИМИЗДА** фаолият кўрсатаётган Миср Араб Республикаси элчихонасининг Фан ва таълим марказида 5 мингга яқин илмий-бадиий китоблардан иборат кутубхона ташкил этилди.
 - **ПОЙТАХТИМИЗГА** АҚШдан меҳрга муҳтож инсон-

ларга муруват кўрсатиш мақсадида озиқ-овқат маҳсулотлари келтирилди. «Соғлом авлод учун» жамғармаси ташаббуси билан уюштирилган ушбу инсонпарварлик ёрдами шаҳримиздаги меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларига, кам таъминланган оилалар фарзандларига тарқатилади.

- **ТОШКЕНТ** шаҳар ҳокимлиги ва Жанубий кореялик тадбиркорлар ҳамкорлигида шаҳримизда «Мунтилот» Ўзбекистон - Корея қўшма корхонаси ташкил этилди.
- **ПОЙТАХТИМИЗДА** Республика туз ишлаб чиқарувчилар миллий уюшмаси фаолият бошлади.
- **ПОЙТАХТИМИЗДА** расомлик санъати ихлосмандлари этиборига графика йўналишидаги самарали иждоқорлар Дмитрий Новиков ва Александр Михайловлар яратган асарлар кўргазмаси намойиш этилди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

2003 ЙИЛНИНГ ЭНГ ЯХШИ ЎҚИТУВЧИСИ

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида ўқитувчилар савиясини замонавий билим ва технология асосида янада юксалтириш, юқори малакали педагог ходимлар тайёрлашга алоҳида эътибор қаратилган. Халқ таълими вазирлиги томонидан «Йил ўқитувчиси» аънанавий кўрик-танлови ўтказиб келинаётгани ҳам ана шу мақсадга хизмат қилмоқда.

Республика таълим марказида ушбу кўрик-танловнинг якунловчи босқичи бўлиб ўтди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоятлар ва Тошкент шаҳридан 14 нафар ўқитувчи иштирок этди. Бунда танлов қатнашчиларининг ўз фанига бўлган қизиқиши, замонавий технологияни қай даражада ўзлаштиргани ва компьютердан хабардорлиги, фани ўқитиш учун тайёрлаган кўргазмали қуроллари болаларнинг билимини ошириш, мустақил фикрлаш ва янгилик томон интилишга сафарбар этиши асосий мезон сифатида олинди.

Танловда Тошкент шаҳар Юнусобод туманидаги 17-мактабнинг инглиз тили ўқитувчиси Гулнора Зайниддинова 2003 йилнинг энг яхши ўқитувчиси, деб топилди. Навоий шаҳридаги 17-мактаб она-тили ва адабиёти ўқитувчиси Гулноза Сатторова иккинчи, Наманган шаҳридаги 7-мактаб тарих



Ўқитувчиси Раъно Эронова учинчи ўринга сазовор бўлди. Ў.А.

СУРАТДА: «Йил ўқитувчиси» кўрик-танлови гозиб Гулнора Зайниддинова. Владимир Гранкин олган сурат.

Обуна-2004

ҲАММА УЧУН СЕВИМЛИ НАШР

Ўткир ҲОШИМОВ,
Ўзбекистон халқ ёзувчиси:

— Халқимизда «Бир кун туз ичган жойга қирқ кун селом бергин», деган гап бор. Мен «Тошкент оқшоми» газетасида бир кун эмас, бир йил эмас, 16 йил ишладим. Шу даргоҳнинг сувини ичдим, бири-биридан ажойиб дўстлар орттирдим. Шу жиҳатдан «Оқшом» мен учун энг қадри нашрлардан бири ҳисобланади. 1970-80 йилларда «Тошкент оқшоми» фақат пойтахтимизнинг эмас, балки бутун мамлакатдаги энг ўткир, энг ўқимишли газеталардан саналарди. Бугунги кунда ҳам газета истиқлол гояларини, жонажон пойтахтдаги ажойиб инсонлар ҳаёти ва фаолиятини кенг ва теран ёритишга ҳисса қўшиб келмоқда. «Тошкент оқшоми» бундан кейин ҳам ўқувчиларнинг сеvimли наشري бўлиб қолишига тилақдошман.

«ОҚШОМ» БИЛАН БИРГА БЎЛИНГ!

Кадрли газетхонлар! Айни кунларда сиз ҳаммиса сеvim мутлола қиладиган «Тошкент оқшоми» газетасига 2004 йил учун қизгин обуна давом этмоқда. Бинобарин, у сизга ҳар доим энг яқин суҳбатдош, дўст, ҳамкор ва ҳамроҳ бўлиб келган. Буни шу кунларда таҳририятга келаётган дил номаларидан ҳам билиш мумкин. Газетага бўлган юксак меҳрингиз, садоқатингиз учун сизларга катта ташаккуримизни билдирган ҳолда шу кунларда пойтахтимизнинг барча алоқа бўлимларида газетига обуна расмийлаштирилаётганини яна бир қарра эслатиб ўтишни лозим

деб топдик.

«Тошкент оқшоми» келгуси йилда ҳам мамлакатимизда, унинг азим пойтахтида ва жаҳонда руй бераётган воқеа-ходисалар, янгиликларни тезкорлик билан ёритади, сиз сеvim ўқийдиган ранг-баранг мавзудаги мақолалар газета саҳифаларидан мунтазам ўрин олади, деб ишонтираминиз. Шундай экан, вақтни ганимат биллиб сеvimли нашрингизга обуна бўлишга ишониш. Шундагина сизнинг нури хонадонингизга 2004 йилнинг дастлабки кунидан бошлаб «Оқшом»нинг ўзи ташриф буюради.

Жаҳонда

- Испания ва Марокаш ўрта Ер денгизи тағдидан темир йўл туннелини қуришни режалаштирган. Бу Европа ва Африкани бирлаштирадиган илк қурилма бўлади.
- Афғонистонда Қобул ва Қандаҳор шаҳарлари ўртасидаги йўл қайтадан тикланди ва фойдаланишга топширилди. Ушбу ишларга АҚШ ҳукумати ва АҚШнинг Афғонистондаги элчихонаси ҳомийлик қилди.
- Туркияда ноябрь ойида амалга оширилган бир неча террорчилик хуружларига бошчилик қилган шахс қўлга олинди. Хабарларга қўра ушбу кўпуровчи Туркиянинг Эрон ва Ироқ чегараси ёнида сохта паспорт орқали чиқиб кетаётган пайтда уланган.
- Италия шаҳарларида автобус, трамвай, метро ҳайдовчилари 24 соатлик иш ташлашди. Намойиш қатнашчилари иш шартларини яхшилаш ва маошларининг кўтарилишини талаб қилишмоқда.
- Эртага Эронда ўзбек қураши бўйича учинчи Осиё чемпио-нати бошланади. Икки кун давомида гиламда қитъанинг 20 га яқин давлати полволлари галаба учун кураш оляб боради.

Иқтисодиёт

СИФАТ — МУВАФФАҚИЯТ ГАРОВИ

«Ўзбекистонда тайёрланган» ёрлиги билан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни жаҳон бозорига чиқаришнинг ўзи бўлмайди, албатта. Бунинг учун тайёрланаётган маҳсулот юксак сифатли, жаҳон андозалари даражасига жавоб берадиган бўлиши талаб этилади.

Пойтахтимизнинг Кўча даҳасида фаолият юритаётган «Кобул-Ўзбек Со» кўша корхонаси тadbиркорлари бунинг уддасидан чиқишиб, замонавий дастгоҳлар ёрдамида маҳаллий хом ашё — пахтани қайта ишлаш асосида тайёрланаётган ип-калага ва бўз матоларнинг 95 фоиздан зиёдини уч қитъа мамлакатларига экспорт қилмоқда.

— Тўла қувват билан ишлаётган корхонамиз бугунги кунда 15 турдан зиёд ип-калага ва 12 хил матоларни жаҳоннинг 100 дан ортиқ давлатларига экспорт қилмоқда, — дейди корхона бош директори Йўлдош Полвонов. — Рақобатбардош маҳсулотларимизнинг 60 фоизи Европанинг Франция, Германия, Италия, Испания, Бельгия сингари ривожланган мамлакатларига, 10-12 фоизи Америка Қўша Штатларига, қолгани эса Япония, Жанубий Корея каби Осиё давлатларига юборилмоқда. Албатта, бунинг учун мутахассисларимиз кунига эмас, балки ҳар соатда дунё бозорини ўрганиб, харидорни жалб эта оладиган, талабини тўла қондирадиган ип-калага ва матоларни ишлаб чиқаришга жорий этишмоқда. Энг муҳими эса маҳсулотларимиз сифатини хорижий буюртмачиларимиз эътироф этишмоқда.

ЯНГИ ЛИНИЯЛАР

Дастурхонингизга қўйилган иссиқ бўрилдоқ нон нафақат иштахангизни қитқилмайди, балки ушбу азиз нъматга, унинг яратувчиларига нисбатан меҳрингизни оширади.

Албатта, ана шундай улғ неъматнинг тановулга етиб келгунга қадар ўзига хос захматли меҳнатлари бор. Аввало миришкор ғаллакор, сўнг донни қайта ишловчи корхона, ана ундан сўнг уста новвой меҳнати. Пойтахтимизда Мустақилликнинг илк мевалари сифатида ташкил топган «Кўйлик-отанон» масъулияти чекланган жамиятида азиз нъмат яратувчилари кечаю кундуз аҳоли дастурхонига хилма-хил сифатли нон ва нон маҳсулотлари етказиб бериш йўлида меҳнат қилишди. Шуниси эътиборлики, харидорлар талабини қондириш мақсадида корхона цехлари жорий йилда янги дастгоҳлар билан жиҳозланди ва маҳсулот турларининг янада ортишига эришилди.

— Новвойларимизнинг самарали меҳнатлари эвазига 30 турдан зиёд нон ва нон маҳсулотлари тайёрлаб, — дейди корхона директори Баҳодир Эргашев, — шахримизнинг Бектемир, Миробод туманлари аҳолисига етказиб берамиз. Шунингдек, фирма дўконимиздан эса Тошкент вилоятининг турли туманларидан келган харидорлар ҳам харид қилишди. Ҳар қандай шартда ҳам сифатга эътибор қаратишга интиламиз. Негаки, нон ҳар бир оиланинг энг қадри, севиб истеъмол қилладиган неъматидир.

Диффуза ҒАНИЕВА

«Кичик ва ўрта бизнеснинг мамлакат тараққиётида тугган ўрни» деб номланган ушбу анжуманда республика Марказий банки Тошкент бошқармаси, шаҳар Адлия бошқармаси, шаҳар Божхона бошқармаси, шаҳар ҳокимияти хузуридаги тadbиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш инспекцияси, шаҳар прокуратураси қошидаги солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш бошқармаси, шаҳар «Тadbиркор аёл» уюшмаси раҳбар ва мутахассислари ҳамда бир гуруҳ тadbиркорлар иштирок этишди.

Маълумки, мамлакатимиз иқтисодиёти равақида ўрта ва кичик бизнес, хусусий тadbиркорликнинг тугган ўрни катта аҳамиятга эга. Анжумани олиб борган Тошкент шаҳар Давлат солиқ бошқармаси бошлиғи Бахтиёр Панаев ана шунини алоҳида таъкидлаш билан бирга, бугунги кунда пойтахтимизда 23518 та ўрта ва кичик корхоналар, микрофирмалар фаолият кўрсатиб, улар томонидан давлат бюджетига солиқлар ва йигимлар тушган тушумнинг 20 фо-

изга яқинини ташкил этаётганлигини айтиб ўтди. Албатта, юртимизда, шу жумладан, пойтахтимизда тadbиркорлик фаолиятининг кенгайиб, тadbиркорлар сафининг ортиб бораётганлиги уларга яратилган

фирма-мулоҳазалари тингланди. Тadbиркорлар солиқ тўлаш, кредит олиш, ҳуқуқий химоя, рўйхатдан ўтишдаги, божхона тўловлари бўйича барча янгиликлардан бохабар бўлишди.

— Биз ўзимиз тўлаётган солиқларнинг нималарга сарфланишини жуда яхши биламиз, — дейди «Азиза Сайфи қизи» хусусий корхонаси раҳбари Азиза Фуломова. — Шу боис ҳам уни мунтазам вақтида тўлашга интиламиз. Ушбу анжуманининг аҳамияти хусусида тўхталадиган бўлсак, у барчамизга фойдали бўлди. Негаки, биз нафақат тингладик, балки айрим муаммолар ечимини топишда фойда берадиган фирм-мулоҳазалар фирмизни ҳам айта олдик, дилдан суҳбат кўрдик. Уйлайманки, ушбу фирм-мулоҳазаларимиз кейинги меъерий ҳужжатларни қабул қилишда кўмак бўлади.

Очиқ мулоқот тарзида ўтган анжуманда иштирок этган соҳа мутахассислари тadbиркорларга ҳамма керакли маслаҳат ва тушунтиришлар беришга тайёр эканликларини билдиришди.

(Ўз мухбиримиз)

Кичик ва ўрта бизнес

ЎЗАРО ФЙДАЛИ МУЛОҚОТ

Сиз тadbиркорсиз. Мамлакатимиз иқтисодиёти ривожига ўз хиссангизни қўшиш ниятида ўрта ёки кичик корхона очиб меҳнат фаолияти юритапсиз. Ўз фаолиятингиз давомида мамлакатимизда ўрта ва кичик бизнес, хусусий тadbиркорлик корхоналари равақи учун яратилаётган шарт-шароитлардан, берилаётган имкониятлардан тўлиқ фойдаланаяпсизми? Кейинги йилларда соҳа ходимларини қўллаб-қувватлаш учун чиқарилган Фармон ва қарорлардан хабардорсизми? Давлат бюджетига солиқни ўз вақтида тўлайсизми? Солиқ тўлашда нималарга амал қиласиз? Ўз ҳуқуқингизни химоя қила оласизми? Тошкент шаҳар Давлат солиқ бошқармасида тadbиркорлар учун уюштирилган анжуманда ана шу ва бошқа саволларга батафсил жавоб берилди.


қулайлик ва имтиёзлар самарасидир.

Анжуманга йилгилан барча соҳа мутахассислари ҳуқуқимиз томонидан қабул қилинган қарорларнинг моҳияти, ишлаб чиқилган қўлланма ва йўриқномалар тартиби, Низомилари бўйича йилгиланларга батафсил маълумот бериш билан бирга тadbиркорларнинг саволларига қриқарили жавоблар қайтаришди. Ўзаро мулоқот тарзида ўтган тadbирда тadbиркорларнинг

рилизми ҳам айта олдик, дилдан суҳбат кўрдик. Уйлайманки, ушбу фирм-мулоҳазаларимиз кейинги меъерий ҳужжатларни қабул қилишда кўмак бўлади.

Очиқ мулоқот тарзида ўтган анжуманда иштирок этган соҳа мутахассислари тadbиркорларга ҳамма керакли маслаҳат ва тушунтиришлар беришга тайёр эканликларини билдиришди.

(Ўз мухбиримиз)



Сифатли ва рақобатбардош маҳсулот турларини кўпайтириш, харидор эҳтиёжи ва дидидан келиб чиқиб туровлар ишлаб чиқариш, бозорни ўрганиш асосида фаолият юритаётган корхоналар бугунги кунда ўз истиқболларини белгилашмоқда. Шу билан бирга ички ва ташқи бозорда ўрнини топмоқда.

Тadbиркорлик

МАВСУМБОП БОШ КИЙИМЛАР

Барчамизга маълумки, ҳар қандай либос, хоҳ у энгилга, хоҳ бош ёки оёққа кийиладиган бўлсин, ўзингизга мос бўлсагина ярашади, уни кийганда ҳам қулайлик сезасиз, атрофдагилар ҳам ҳавас қилишади. Шунинг учун ҳар ким ёққанини харид қилади. Шу боисдан ҳам кийим-кечакнинг турлари кўп, уларнинг нусхалари мавсумга қараб, харидор дидига кўра ўзгариб туради. Бу эса моделер-конструкторларнинг қай даражада изланишлари ҳамда чеварларнинг маҳоратига боғлиқ.

Пойтахтимиздаги «Охунбобоев номли бош кийимлар фабрикаси» ёки турдаги акционерлик жамияти чеварлари бу борада анча тажриба тўплаган. Бугунги кунда ана шу тажрибалар ишга солиниб, шунинг баробарида бозор талаблари ўрганилиб, корхонада аёллар, эркаклар ва болалар бош кийимлари ишлаб чиқарилмоқда.

— Жамоамизда буюртма асосида маҳсулот тайёрлаш билан биргалиқда, — дейди корхона касабаси уюшмаси раиси Лола Абдурахмонова, — тажриба-синнов цехимизда халқ истеъмоли товарлари турларини яратишга, уни ишлаб чиқаришга жорий этишга эътибор қаратганмиз.

Жорий йилда 50 турдаги янги бош кийим турлари яратилди. Ушбу маҳсулотларни тайёрлашда «Косонсой-текмен» кўша корхонаси, Бухоро тўқимачилик комбинати, «Тошқўмачи» хиссадорлик жамиятида ишлаб чиқарилаётган сифатли матолардан фойдаланамиз. Шунингдек, ҳар бир мавсумда керакли, аҳоли эҳтиёжини қондирадиган бош кийимлар тайёрлашга эътибор қаратамиз. Айни кунларда 30 турдан зиёд эркаклар ва болалар учун киши иссиқ бош кийимлар тикияпмиз. Пойтахтимизда ўтказилаётган турли кўрғазма-савдолардаги иштирокимиз маҳсулотларимиз харидорлари сафини оширмоқда.

Жамоада 250 нафардан зиёд ишчи-хизматчи меҳнат қилаётган бўлса, уларнинг кўпчилигини хотин-қизлар ташкил этади. Шу боисдан ҳам, аввало уларнинг саломатликларини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Улар тиббиёт кўригидан ўтказилиб, саломатликларини тиклаш учун дам олиш масканларига йўлланмалар берилади. Шунингдек, корхона қошидаги тиббиёт пунктида малакали шифокор ва ҳамширалар ишчи-хиз-

матчиларга беминнат ёрдам кўрсатишади.

Албатта, иш самараси жамоа аҳлига яратилган меҳнат ва дам олиш шароитларига боғлиқ. Шу боисдан ҳам дам олиш хоналари уларнинг хизматида, сартарошхона ва пойабзал тузатиш устaxonасида имтиёзли хизмат ташкил этилган. Жорий йилда 70 нафар ишчи Кумушқонда дам олиб хордик чиқаришди, «Оқтош» сиҳатгоҳига оилавий йўлланмалар ҳам ажратилди. Бу имкониятларнинг барчаси самарали меҳнатнинг натижаси асосида яратилмоқда. Чунки жорий йилда корхонада ишлаб чиқариш суръати ўсиб, маҳсулот сифати ортишига эришилмоқда. Ўтган ўн ой мобайнида 749 миллион сўмлик маҳсулот тайёрланди. Уси суръати 105 фоизни ташкил этади. Ўз куч-ғайратлари, билим ва маҳоратларини намойиш этиб жамоа ютугини таъминлашга интилаётган Дилбар Рустамова, Елена Шегалева, Мавжуда Абдурахмонова, Гузал Абдурахмонова, Зебо Носирова, Заҳро Юсупова сингари кўли гул уста чеварлар меҳнатини таъкидлаш ўринли.

Ҳаракат, изланиш бор жойда ютуқлар ҳам бирин-кетин кўзга ташланаверади. Илмини муваффақиятли яқунлашга интилаётган бош кийим усталари ҳам янгиликларга қўл уриб, ўз мақсадлари йўлида изланмоқда. Зеро, излаган имкон топши, шубҳасиз.

Дилноза ҒИЁСОВА СУРАТЛАРДА: тажриба-синнов цехи бошлиғи Заҳро Юсупова шогирди Зебо Носированинг ишга баҳо бермоқда; бичув чехида ҳаммиша из қизгин. Ҳакимжон Солихов олган суратлар.

Саноат

«ТТЗ—АСБОБ» МАҲСУЛОТЛАРИ

Мамлакатимиз қишлоқ хўжалигини қудратли техникалар билан таъминлаб келаётган «Тошкент трактор заводи» очик турдаги хиссадорлик жамиятининг ишлаб чиқариш қуввати тобора ортиб бормоқда. Ҳозир унинг цех ва участкаларида тайёрланаётган агрегатлар турлари ўнтага етай деб қолди.

Шу мақсадда корхонанинг моддий-техник негизини янада мустаҳкамлаш тadbирлари кўрилмоқда. Айни вақтда завод таркибида янги турдош корхоналар очишга эришилмоқда.

«ТТЗ—Даст» деб номланган мустақил корхонанинг юзага келиши ҳам нур устига аёло нур бўлди. Унинг механика цехларида тракторлар учун зарур бўлган эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Худди шу йўналишда «ТТЗ-асоб» корхонаси ҳам ташкил топди. Ўз номи билан мазкур корхона турли асбоб-ускуналар тайёрлаш билан шуғулланади. Ана шу янги корхоналар маҳсулотлари ишлаб чиқарилаётган қудратли тракторларнинг мустаҳкам бўлишини таъминлаб, сифат кўрсаткичини янада ошириш имконини беради.

Анвар АЛИБОЕВ

Санъати

**ЎЗАРО ҲАМКОРЛИК
МЕВАСИ**

Яқинда Алишер Навоий номидаги Давлат академик Катта театрида ўзбек-корей санъаткорлари ҳамкорлигида концерт намойиш этилди.

Тадбир аввалида сўзга чиққан Жанубий Корея ва Ўзбекистон маданияти ва санъати соҳасида ўзаро ҳамкорлик ассоциацияси президенти Хан Менг Хи ва Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси раиси Рустам Абдуллаев икки давлат халқлари ўртасидаги маданият алоқаларининг бундан буён янада мустаҳкамланиши ҳақида сўзлашди.

Концертнинг биринчи қисмида «Кармен», «Тоска», «Травиата» операларидан ариялар, неополитанча кўшиқлар ўзбек ва корейс хонандалари ижросида янгради. Концертнинг иккинчи қисмида икки халқнинг куй ва кўшиқлари, рақслари томошабинлар ҳукмига ҳавола қилинди.

**МИЛЛИЙ МАҚОМ
ТАНЛОВИ**

Ўзбекистон Давлат консерваториясида Юнус Ражабий номидаги VI Республика мақом ижрочилари танлови ўтказилмоқда.

Унга йирик мусиқашунос, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, профессор Файзулло Кароматов раҳбарлигидаги ҳайъат аъзолари ҳакамлик қилмоқда. Яқинда мусиқа ихлосмандларига навбатдаги мақом танловининг ғолиблари эълон қилинади.

**МУВАФФАҚИЯТЛИ
ҚАТНАШИШДИ**

Яқинда Москва шаҳрида Кўғирчоқ театрларининг II халқаро фестивали бўлиб ўтди.

Анжуманда Бельгия, Украина, Испания, Герцеговина каби давлатлар қаторида мамлакатимиздаги Республика Кўғирчоқ театри жамоаси ҳам қатнашиб «Яна Андерсен...» спектаклини намойиш этди.

«Яна Андерсен...» (Режиссёр ва муаллиф Динара Йўлдошева) асари томошабинларга маъқул бўлди. Жаҳон Кўғирчоқ театри арбобларининг «Театр Чудес» рангли журналида спектакль муваффақияти ҳақида илқ фикрлар билдирилди. Халқаро фестивалдан бир нечта таклифлар билан қайтган Кўғирчоқ театри гуруҳи ҳозирги кунда Республикаимизда миқёсида ўтадиган анжуманга тайёргарлик кўрмоқда.

Гуллигор САТТОРОВА

Ўзбекистон Фанлар академиясининг 60 йиллиги олдидан

Обид Содиқов мазкур институтга раҳбарлик қилган йилларда ишлаган хонаси музейга айлантирилган. Музей экспонатларини кўздан кечирган киши дунёга танилган олимнинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида яхши тасаввурга эга бўлади. Экспонатлар орасида олимнинг ўз юртида ва чет элларда нашр қилинган китоблари ва хизматлари учун олган кўплаб мукофотлар ҳам бор. Беруний номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти дипломи, «Буюк хизматлари учун» ордени, Менделеев номидаги олтин медал, Гагарин номидаги медал, Венгрия Тинчлик кенгашининг фахрий ордени

ва бошқа мукофотлар ана шулар жумласидандир. Бу эса ўзбек олимнинг фандидаги хизматларининг ўз халқи томонидан ва дунё миқёсидаги эътирофи ифодасидир.

Собиқ шўро тузуми даврида Ўрта Осиё ва Қозоғистондан уч киши иттифоқ Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоси этиб сайланган. Шулардан бири Обид Содиқовдир.

1913 йилда туғилган Обид Содиқов ўтган асрнинг 30-йилларида илм соҳасига кириб келган ёшлардан эди.

Ҳўш, Обид Содиқов каярда туғилиб ўсган? Унда кимё фанига қизиқиш қандай пайдо бўлган? Бу ҳақда олимнинг фарзанди, кимё фанлари доктори, профессор, Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети кимё факультети декани Алишер Содиқов шундай ҳикоя қилади:

— Отамиз Обид Содиқов Тошкентнинг «Сағбон» маҳалласида хунарманд оиласида туғилиб ўсганлар. Бобомиз этикдўз бўлганлар. Отамиз ёшлиқдан териларни ошлаш, этикни бичиш ва тикишда бобомизга ёрдам берганлар. Шунда терини ошлаш жараёнида нега юмшади, бунинг сири нимада экан, деб ўйлаган ва буни билгалари келар экан. Яна у кишининг тоғалари заргар бўлган. Тоғалариникида бўлганларида рангли металлари эритиб, ҳар хил зеб-зийнат буюмлари, тақгинчоқлар тайёрлаш жараёнини кузатиб, ўйлашиб қолар эканлар. Бу нарса отамизда кимё фанига қизиқиш пайдо қилади.

1932 йилда бўлажақ олим Ўрта Осиё давлат университетининг кимё факультетига ўқишга киради. Ушанда биринчи марта ташкил этилган ўзбек ёшлари гуруҳида 32 нафар йигит ва қиз бор эди. Лекин 1937 йилда факультетни 8 нафар талаба битириб чиқади. Бунинг сабаби эса ўша пайтларда ҳаёт оғир, бунинг устига талабалар учун аниқ фанлардан ўзбек тилида дарсликлар йўқ, талабалар рус тилидаги дарсликларни ўқиб-ўрганишга қўйналишарди. Шу боисдан кўпчилик ўқини ташлаб кетади.

Обид Содиқов эса университетни имтиёзли диплом билан битиради ва шу йили органик кимё кафедрасига аспирантурага қабул қилинади, 1940 йилда эса кимё фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун диссертация ёқлайди.

Уруш йилларида Обид Содиқов чой

кукунидан қимматли доривор модда бўлган кофеин, анабезин-сульфатдан никотин кислота олишнинг янги методларини яратишда фаол иштирок этади. Бундан ташқари алколоидлар кимёсини кенг ўрганиб, 1945 йилда докторлик диссертациясини ёқлайди. Илмий ада-

кўришга ваъда беради ва уч йил мобайнида ўз шоғирлари билан Ўзбекистондаги беш мингдан зиёд тупроқ намунасини текшириб, итакон кислота бактериялари штаммини — молекуласини топишга муваффақ бўлади. Шундан кейин бу маҳсулотни санат миқёсида ишлаб чиқариш йўлга қўйилади.

Обид Содиқов 1958-66 йилларда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети (собиқ Тошкент Давлат университети)га ректорлик қилганда унинг раҳбар сифатидаги ташкilotчилик қобилияти ёрқин намойён бўлади. Айнан шу даврда университетнинг янги бинолар мажмуи қурилади, талабалар ва илмий жамоатчилик фахрланадиган Талабалар шайхонаси қад ростлади.

Обид Содиқов 1966 йилдан бошлаб, 18 йил мобайнида Ўзбекистон Фанлар академиясига раҳбарлик қилди. Бу даврда Фанлар академияси ўз кучларини фан ва ишлаб чиқаришнинг яқин ўзаро муносабатларини таъминлашга сафарбар этди. Шу даврда республика Фанлар академияси таркибидеги бир қатор янги илмий-тадқиқот институтлари, жумладан, Электроника институти, Биохимия институти, Археология институти, Биорган кимё институти, «Кибернетика» илмий-ишлаб чиқариш бирилмаси, Ҳамид Сулаймон номидаги кўлэмалар институти, Конструкторлик бюроси ва «Альгоритм» тажриба ишлаб-чиқариши бўлган Полимерлар кимёси ва физикаси институти, Фанлар академиясининг фундаментал кутубхонаси, Нуқсуда Ботаника боғи ва бошқа илмий муассасалар ташкил этилди.

Бу даврда олим илмий ишларини ҳам тинмай давом эттирди. Ўз шоғирлари ва ботаниклар билан ҳамкорликда гўзага яқин бўлган гулхайри ўсимлигини текшириб, ундан озик-овқат маҳсулотларида ишлатиладиган бўёқ концентрати олишди. Гулхайрини маданий эквин сифтида экиб, унинг гулидан 130 тонна бўёқ концентрати тайёрланди ва 6 миллион литр «Орзу» лимонади ишлаб чиқарилди. Бунинг учун Обид Содиқов раҳбарлигидаги бир гуруҳ олимлар Беруний номидаги Республика Давлат мукофотига сазовор бўлишди.

Бугунги кунда Рига, Черкасск, Чимкент шаҳарларида Обид Содиқов яратган технология бўйича халқ ҳўжалигига зарур кимёвий маҳсулотлар тайёрлаётган корхоналар бор.

Рус ёзувчиси Чехов шундай деган экан: «Миллий кўпайтириш жадвали бўлмагани каби, миллий фан ҳам йўқ; агар нимаики миллий бўлса, у фан эмас». Обид Содиқов 10 та докторлик, 80 та номзодлик диссертациясига раҳбарлик қилди. О.Содиқовга шоғир бўлганлар орасида нафақат ўзбек ва рус, балки қозоқ, туркман, мўғул, вьетнам, ҳинд, поляк миллатига мансуб олимлар бор. Бу ҳам илмнинг миллий чегараси бўлмаслигининг бир ифодасидир.

Обид Содиқовнинг ҳаёти ўз Ватани ва фанга хизмат қилишнинг чинакам намунаси.

Алиазар ЭГАМНАЗАРОВ

**ХИЗМАТЛАРИ
ЖАҲОН МИҚЁСИДА
ТАН ОЛИНГАН**

Тошкентнинг шимоли-шарқий қисми — ҳозирги Буюк Ипак йўли кўчасининг сўл томонида ўтган асрнинг 50-йиллари дала бўларди. Бугун эса бу ерда Академиклар шаҳарчаси қад ростлаб турибди. Шу шаҳарчадаги Биоорганик кимё институти академик Обид Содиқов номи билан аталади.



биётларда олим тадқиқотининг муҳимлиги таъкидланади ва Обид Содиқовнинг номи алколоидлар кимёси соҳасидаги етакчи тадқиқотчиларнинг сафига қўшилиди.

— Мен 1953 йилда Обид Содиқовнинг қўлига аспирант бўлиб келиб, умр бўйи бирга ишладим, — дейди олимнинг шоғирди, кимё фанлари доктори, профессор Аминжон Исмоилов. Бу пайтда Обид Содиқов Кимё институти қошида гўза кимёси лабораториясини очган эканлар. Шунда бу ишга ишонсизлик билан қараган кишилар ҳам бўлишган. Гўза кимёси лабораториясини очишдан мақсад шу эдики, аввало, пахта ўзимизда етиштириладиган санат хом ашёси. Унда ёғ ва толадан бўлак яна қандай моддалар бор? Гўза таркибидеги кимёвий моддаларнинг дала зараркундаларига қарши курашдаги ўрни қандай? Шуларни аниқлаб, халқ ҳўжалиги эҳтиёжларига хизмат қилдириш керак эди.

Дарҳақиқат, Обид Содиқов гўза кимёси лабораториясини очганда узққни кўзлаганлиги, кўп нарсани олдиндан кўра билганлиги бугун кўпчиликка равшан. Бу соҳада катта-катта ишлар қилинди. Пахта ва гўздан ажратиб олинаётган турли хил кимёвий моддалар, озик-овқат маҳсулотлари халқ ҳўжалиги эҳтиёжларига хизмат қилмоқда. Бу эса Обид Содиқов ва унинг шоғирлари кўп йиллар мобайнида олиб борган илмий ишлар самарасидир.

1970 йилдаги матбуот хабарларидан бирида Обид Содиқов ва унинг шоғирлари киритган тақлифлардан қўрилган фойда 50 миллион сўмдан ортганлиги айтилган. Бу эса 60 миллион доллардан ортик маблаг демекдир.

Мана бир мисол. 60-йиллар бошида мамлакатга сунъий жун тайёрлашда ишлатиладиган итакон кислота зарур бўлади. Мамлакатда бундай маҳсулотни ишлаб чиқарадиган корхона йўқ, унинг технологияси ҳам яратилмаган эди. Ҳукумат Англиядан лицензия сотиб олмақчи бўлади. Лекин инглизлар бунинг учун тилла баҳосида бир миллион доллар талаб қилишади. Шундан кейин итакон кислота ишлаб чиқариш технологиясини яратиш вазифаси Харьков шахридаги илмий-тадқиқот институти жамоаси зиммасига юкланади. Лекин улар бу ишнинг удрасидан чиқа олмайдилар.

Бундан хабардор бўлган Обид Содиқов муаммони ҳал қилишга уриниб

ЯНГИ МАҲАЛЛАЛАР ТАШКИЛ ЭТИЛДИ

Фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови даврида Тошкентдаги баъзи катта маҳаллалар иккига бўлинди. Жумладан, Чилонзор туманидаги ҳудуди ва сони жиҳатидан ниҳоятда катта «Дўмбиробод» маҳалласида ҳам шундай бўлди.

Ушбу маҳаллада бўлиб ўтган ҳисобот-сайлов йиғилишида маҳалла оқсоқоли Усмон Абдуллаев икки ярим йиллик ҳисобот маърузаси охирида ўзи кексайиб қолганлиги, энди бу лавозимга ёшлардан сайлашларини йиғиланлардан илтимос қилди. Унинг ил-

тимоси қондирилди. Йиғилишда иштирок этган Чилонзор тумани ҳокими Хусниддин Маҳкамов, «Маҳалла» жағмараси туман бўлими раҳбарлари, кўшни «Қозиробод» маҳалласи оқсоқоли М.Жўрабеков, «Дўмбиробод» маҳалласи фаолларидан Ш.Раҳматов шу ма-

ҳаллада 43 йил оқсоқоллик қилган Усмон Абдуллаевнинг хизматларини қадрлаб, унга эсдалик совғалари топширишди.

Туман ҳокими Х.Маҳкамов аҳоли сони жиҳатидан улкан ҳақиқат бўлганини аниқ кийин бўлиб қолган «Дўмбир обод»

маҳалласи икки қисмга — «Катта Дўмбиробод» ва «Кичик Дўмбиробод» маҳаллаларига бўлинганлигини маълум қилди ва бу маҳаллаларга янгидан сайланадиган оқсоқоллар олдиде турган вазифалар ҳақида тўхталиб ўтди.

Шундай қилиб икки янги маҳалла — «Катта Дўмбиробод» маҳалласига маҳалла фаолларидан Маҳмаджон Дўстматов, «Кичик Дўмбиробод» маҳалласига эса Комилжон Қаймов оқсоқол этиб сайланди.

Йўлдош МАНСУРОВ

«Зар қадри заргар билади», дейди доно халқимиз. Шу боисдан ҳам бежизга сувни зарга, сувчини эса заргарга қийсламаймиз. Зардан-да бебаҳо, унданда кимматли, ҳаётимиз манбаи бўлган сувнинг кундалик ҳаётимизда ҳамшира эҳтиёжидан қондириши учун уни аҳолига тоза, мусаффо, шаффоф ҳолда етказиб берувчи соҳа ходимлари — сувсозлар кечаю кундуз бедор.



Ҳисондорларимиз

МЕҲНАТ БИЛАН ҚАДРИ БАЛАНД

Ана шундай заҳматли ва савоб ишининг бошини тутганлар, ҳамшаҳарларимизни мунтазам равишда оби ҳаёт билан таъминлаётганлар орасида «Сувос трести» унитар корхонаси «Бўз-сув» иншооти бош муҳандиси Ҳикматилла Пўлатовнинг меҳнатлари ҳам ҳурматга, ҳам эътиборга моликдир. Ушбу соҳанинг ҳақиқий билимдониги бўлган Ҳикматилла ака ўзининг 41 йиллик меҳнат фаолиятини, касб маҳоратини аҳолига қулайлик яратишга, уларни мунтазам тоза ичимлик суви билан таъминлашга бағишлади, десак асло муболага бўлмайди.

16 йилда «Сувос» трестига шогирд бўлиб келган Ҳикматилла Пўлатовни йиллар меҳнатда тоблади, гайрат билан ишлаш баробарида кечки мактабни, сўнгра Тошкент политехника институтини (ҳозирги Тошкент Давлат техника университетини), Тошкент ирригация ва қишлоқ ҳўжалигини механизациялаш муҳандислари институтининг аспирантурасини сирдан муваффақиятли тугатди. Бу борада унга ўқитиши ҳаммиша меҳнат билан боғлаб олиб борганлиги кўл келди. 1986 йилда «Тошкент шаҳрини ва шаҳардан ташқари аҳоли худудларини сув билан таъминлаш» мавзуси бўйича илмий иш ҳимоя қилди.

Йиллар ўсмирини меҳнатда тоблади, деб бежизга айтмадик. У икки йил ичида шогирдликдан 7-тоифага чилангар бўлиб етишди. 1966 йилдан эса шаҳарни тоза ичимлик суви билан таъминлаш ва тақсимлаш бўйича диспетчер, сўнгра участка катта муҳандиси лавозимларида фаолият кўрсатди. Пойтахтимизда рўй берган катта қулфат — 1966 йил зилзиласи оқибатларини тугатишда, шаҳарни қайта қуришда фаол иштирок этди.

Тажрибали, билимли, бунинг устига фидойи инсонлар ҳамма жойда керак, ташаббус кўрсатиб меҳнат қилишадди. Ана шундайлар сирасидан бўлган Ҳикматилла Пўлатов 1981 йилда «Кибрай» бош сув иншоотига бошлиқ этиб тайинланди. Бу ердаги фаолияти давомида

Чирчиқ дарёси устидаги 350 метрлик кўприк қурилди, иншоотнинг электр тармоқлари тизими қайта таъмирланди, технологик ускуналарни автоматлаштиришга эришилди. «Қодирин» бош сув иншоотига раҳбарлик қилган йилларида эса иншоот қувватини ошириш учун 200 минг куб метр 6 та филътр, 8 та насосга мўлжалланган заҳира насос станцияси ишга туширилиб, иншоотни ободонлаштиришга бош-қош бўлди. Узунлиги 800 метр бўлган янги сув қувури ишга туширилди.

У ўзининг самарали меҳнати, изланишлари боис ҳам поғонамапоғона кўтарилди. 1991 йилда эса очик ичимлик сув ҳавзалари бошқармасига бошлиқ этиб тайинланди. Уста сувсоз ва қурувчи меҳнат қилиш баробарида билим юрти ва институтларда талабаларга соҳа сирларидан мукамил билим берди, кўплаб шогирдлар тайёрланди. Бунинг асосий боиси эса унинг ўз устида тинмай ишлаши, бетиним кунлар, бедор тунлар бўлди, дейиш мумкин.

Айни пайтда Ҳикматилла Пўлатов «Бўз-сув» иншоотида фаолият кўрсатар экан, асосий мақсад — аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлашга ҳўхум ҳисса қўшиб, бунинг учун соҳанинг барча илгор усулларидан самарали фойдаланмоқда.

— Иншоотимизда 150 нафардан зиёд ишчи-хизматчи фаолият кўрсатиб, — дейди бош муҳандис, — шахримизнинг Шайхонтоҳур ва Юнусобод туманларини тоза ичимлик суви билан таъминлаб келаяптимиз. Аҳолига 1 кунда 240 минг кубометр ичимлик суви етказиб берилди. Бунинг меҳнату заҳматлари эса кечаю кундуз савоб ишга ҳисса қўшаётган моҳир сувсозларимизга жуда яхши аён. Кўз олдинизга бир соат сув бўлмади қолишини келтиринг-а. Қанча режалар ишларингиз чилпакка чиқади. Лекин ҳаммиша ҳам унинг қадрига етавермаймиз. Ваҳоланки, пойтахтимиз Тошкент Хамдуқстлик давлатлари орасида узлук-

сиз, ичимлик суви билан таъминланадиган 4 та шаҳарнинг бири ҳисобланади. Албатта, инсон саломатлиги учун сувнинг аҳамияти жуда катта. Шу боисдан ҳам уни тоза, безарар ҳолда аҳолига етказиш учун лабораториямиз ҳодимлари тинмай ишлашадди, ҳар бир томчи сув назоратда.

Ҳозирда иншоот сувсозлари янги режалар устида ишлашмоқда. Бу 200 минг кубометр сув берадиган янги филътр қуриш, сувни зарарсизлантиришда ишлатиладиган хлор ҳамда тежамкорликда нафи катта насослар олиб келиб ўрнатиш режасидир. Бу борада япониялик ҳамкорлар билан янги технологиялар устида иш олиб боришмоқда. Ҳикматилла ака мана шу юмушларни адо этишда ҳаммасблари билан ҳаммиша тажрибали ҳамкорлар билан ҳаммиша ишга солишга ҳаракат қилмоқда.

Меҳнат инсонни улуглайди, дейишди. Бугун Ҳикматилла аканинг меҳнати ҳам ўз юксак баҳосини олди. Республикамиз Мустақиллигининг 12 йиллиги муносабати билан Президентимиз Фармонига кўра муқофотланганлар орасида унинг номи ҳам борлиги жамоа ахлини шодлантиради. У «Дўстлик» ордени соҳиби бўлди. Бундай юксак тақдирлашдан унинг оила аъзолари — турмуш уртоғи, 3 фарзанд ва 10 нафараси истиқомат қилаётган Яқкасарой туманидаги «Яқкасарой-1» маҳалласи ахли ҳам гурурланди. Негаки, оила посбони, меҳрибон ота маҳаллада ҳам фаоллардан саналади.

Бежизга «Сув келтирган азиз» дейилмайди. Бу иборанинг исботи эса Ҳикматилла Пўлатовнинг меҳнат фаолиятида яна бир бор ўз аксини топди. У эса ҳали бу борада гайрат кўрсатишга, маҳоратини ишларга эришмай ургатишга ҳаммиша шай турибди.

Шарифа ИЛЁСОВА
СУРАТДА: Ҳикматилла Пўлатов япониялик мутахассис билан.

— Аввало, жамоамизнинг ташкил топиши ва асосий мақсади, вазифалари ҳусусида тўхталишни жоиз деб биламан. Бирлашмамиз 1929 йилда иш бошлаган бўлиб, у шаҳар ёритувчи идораси негизида ташкил топган. Унинг асосий вазифаси кўчаларнинг ташки ёритиш объектларини тасарруф этишдир. Уша пайтларда шаҳримизнинг 6 фойизига ёритилган бўлиб, бу вазифа қўлда ёқиладиган керосинли фонуслар орқали амалга оширилган. Тошкент шаҳрини ёритиш ишлари ташкил этилгандан бери бу вазифани турли ташкилотлар амалга оширган бўлиб, у 1929 йилдан бошлаб ободонлаштириш бош бошқармасига қарашли ёритиш бўлими ихтиёрига топширилган.

Кейинги йилларда шаҳар инфратузилмаларининг ривожланишига мувофиқ тарзда ташки ёритиш тизими ҳам такомиллашиб борди. Чунончи, кўчаларни ёритиш, монтаж ва капитал таъмирлаш ишлари тизими яратилди. «Шаҳарни ёритиш» идорасига шаҳар ёритиш тармоғини монтаж ва газнурли рекламаларини тасарруф қилиш ишлари топширилган. Ёритиш ишларида 1959 йилдан бошлаб марказий диспетчерлик бошқарувининг биринчи навбати ишга туширилган бўлиб, бу шаҳардаги ҳамма ёритув нўкталарини бир жойдан туриб автоматик тарзда ўчириб-ёқиб имкониятини берган. Энди фонусларни ва кузатиб чикувчилар касби ўз маъносини йўқотган эди. Шундан бошлаб тармоқ ҳўжа-

лиги тузилиши асосида электр тармоқлари нўқталари тузила бошлади. Бу шаҳар ёритиш тармоғида ёритув ишларини самарали ва тезкор усулда тасарруф этиш имкониятини берди.

Юз берган 1966 йилдаги зилзиладан сўнг шаҳар жадаллик билан тикланди ва микро туманлар ва турар жой мавзелари барпо этилиб, янги архитектура ансамбллари юзга кела бошлади. Бу эса «иттиҳла» замонавийлаштириш ва ишчи кўринишининг кўркам бўлишини тақозо этди. Ёритиш қурилмаларини техник жиҳатдан такомиллаштириш устида изланишлар бошланди. Ҳозирги пайтда ёритишчилари йўлнинг қатнов қисмига 1,5-2 метр чиқиб турадиган эгилган параболик кронштейнли тирговчулар ўрнатилмоқда. Кундуз ёруғлигини берадиган симобли ёритишчилар сони ошиб бормоқда. Шунингдек, иллюминация қурилмаларининг тузилиши такомиллаштирилиб, янги кўринишдаги газнурли рекламаларни яратиш бўйича катта ишлар амалга оширилмоқда. Дунё ва республика ҳаётидаги ҳар кунги ўзгаришлар ҳақида ахборот берадиган электрон ахборот-нурли таблоси — «Публикатор» хизмати тузилган.

Шу кунларда бирлашмада 689 киши фаолият кўрсатиб, тасарруфимизда 119659

иллюминация, нурли безаш, биноларнинг гўзал архитектурасини ва шаҳарнинг манзарали кўринишларини бўрттириб кўрсатишдаги нурли безаш ишлари долзарб масала бўлиб қолди. Масалан, фақат 2003 йилнинг ўзида шаҳарни Европа Тиклаши ва таракқиёт банкининг конференциясига тайёрлаш юзасидан 42 та ёритишчи, дюралайтли иллюминациялар ва газнурли қурилмалар монтаж қилиниб ишга туширилди. Шунингдек, 29 та жойда дарактларга иллюминациялар ўрнатилди ва биноларнинг пештоқ қисмларига нурли безак берилди.

Шаҳарни ёритиш ишларининг ҳам ўз муаммолари орқали бошқариладиган, 50-60- йилларда яратилган ташки ёритув тармоқларини масофадан ўчириб-ёқиб бошқарув тизими жуда эскирган. Шу кунларда ташки ёритув тармоқларини радиосигнал бўйича ўчириб-ёқибни автоматик компьютер бошқаруви тизими лойиҳаси ишлаб чиқилиб, таътиб этишга тайёрланди. Мутахассисларимиз турли тантанга ва байрамларга тайёрлашда фаол иштирок этади. Айниқса, Наврўз айёми, Мустиқлик шодибаналари кунларида шаҳримизни яна-

мавжуд. Чунончи, телефон симлари орқали бошқариладиган, 50-60- йилларда яратилган ташки ёритув тармоқларини масофадан ўчириб-ёқиб бошқарув тизими жуда эскирган. Шу кунларда ташки ёритув тармоқларини радиосигнал бўйича ўчириб-ёқибни автоматик компьютер бошқаруви тизими лойиҳаси ишлаб чиқилиб, таътиб этишга тайёрланди. Мутахассисларимиз турли тантанга ва байрамларга тайёрлашда фаол иштирок этади. Айниқса, Наврўз айёми, Мустиқлик шодибаналари кунларида шаҳримизни яна-

мавжуд. Чунончи, телефон симлари орқали бошқариладиган, 50-60- йилларда яратилган ташки ёритув тармоқларини масофадан ўчириб-ёқиб бошқарув тизими жуда эскирган. Шу кунларда ташки ёритув тармоқларини радиосигнал бўйича ўчириб-ёқибни автоматик компьютер бошқаруви тизими лойиҳаси ишлаб чиқилиб, таътиб этишга тайёрланди. Мутахассисларимиз турли тантанга ва байрамларга тайёрлашда фаол иштирок этади. Айниқса, Наврўз айёми, Мустиқлик шодибаналари кунларида шаҳримизни яна-

мавжуд. Чунончи, телефон симлари орқали бошқариладиган, 50-60- йилларда яратилган ташки ёритув тармоқларини масофадан ўчириб-ёқиб бошқарув тизими жуда эскирган. Шу кунларда ташки ёритув тармоқларини радиосигнал бўйича ўчириб-ёқибни автоматик компьютер бошқаруви тизими лойиҳаси ишлаб чиқилиб, таътиб этишга тайёрланди. Мутахассисларимиз турли тантанга ва байрамларга тайёрлашда фаол иштирок этади. Айниқса, Наврўз айёми, Мустиқлик шодибаналари кунларида шаҳримизни яна-

мавжуд. Чунончи, телефон симлари орқали бошқариладиган, 50-60- йилларда яратилган ташки ёритув тармоқларини масофадан ўчириб-ёқиб бошқарув тизими жуда эскирган. Шу кунларда ташки ёритув тармоқларини радиосигнал бўйича ўчириб-ёқибни автоматик компьютер бошқаруви тизими лойиҳаси ишлаб чиқилиб, таътиб этишга тайёрланди. Мутахассисларимиз турли тантанга ва байрамларга тайёрлашда фаол иштирок этади. Айниқса, Наврўз айёми, Мустиқлик шодибаналари кунларида шаҳримизни яна-

мавжуд. Чунончи, телефон симлари орқали бошқариладиган, 50-60- йилларда яратилган ташки ёритув тармоқларини масофадан ўчириб-ёқиб бошқарув тизими жуда эскирган. Шу кунларда ташки ёритув тармоқларини радиосигнал бўйича ўчириб-ёқибни автоматик компьютер бошқаруви тизими лойиҳаси ишлаб чиқилиб, таътиб этишга тайёрланди. Мутахассисларимиз турли тантанга ва байрамларга тайёрлашда фаол иштирок этади. Айниқса, Наврўз айёми, Мустиқлик шодибаналари кунларида шаҳримизни яна-

(Ўз мухбиримиз)

УЙ-ЖОЙ-КОММУНАЛ ХИЗМАТИ: ИСТИҚБОЛ ВА МУАММОЛАР

Манзилгоҳи, ширкатнинг номини сўрадик, сўнгра сабабини аниқлаб, ёрдам беримизми маълум қилдик. «Э, келиб нима қиласиз, ширкатга қўнғироқ қилиб, бир бопланг, газетанда чиқараман, деб қўрқитинг», деб «маслаҳат» берди қўнғироқ қилган одам. Унинг «келиб нима қиласиз» деган гапи бизни қизиқтириб қолди. Негаки, кўпчилик арз қилганлар «Ишонмасангиз ўзингиз келиб кўринг, баҳо беринг» дейишарди.

Танқид бўлса, танқидда, дедику эртасигаёқ айтилган манзилгоҳда жойлашган ширкатга йўл олдик. Эрталаб бўлгани учун ширкат раиси ёшгина йигит ходимларига топшириқларни бериб, энди бажарилган ишларни кўздан кечираётган экан. Мудлаомизни айтдик. — Жуда тўғри, — деди ширкат раиси ҳеч нарсани яширмай. — Фақатгина сиз айтиётган хонадонда эмас, балки ана шу уйдаги иккита йўлакка жойлашган уйларнинг барчасида мана шундай аҳвол. Негаки, улар йил бошидан буён турли баҳоналар билан коммунал хизматлар ҳақини тўлашмаяпти. Қарзлари анча-чакка ўтарди, аввал таъмир-

ланглар, кейин тўлаймиз, ўзим ҳам ўша хонадонларда дейишди. Қанча маблағ сарфлаб тўла таъмирлаб бер-

ўзим ҳам ўша хонадонларда бир неча марта бўлдим, лекин фойдаси йўқ. Неча марта хонадонлар аҳлининг ёрдамига муҳтожмиз. Улар эса бизга ёрдам бериш у ёқда турсин, тўловларни ҳам бир неча ойлаб бажаришмаяпти. Ҳар йили йнғилган маблағлар нимага сарфлангани ҳақида аҳоли олдига ҳисоб берамиз, режаларимизни айтмаймиз. Лекин буни ҳамма ҳам тушунмаяпти. «Сен менга тегма, мен сенга...» дейдиганлар иши-

мизга халақит бераяпти.

Халқимизда «Қарс икки қўлдан» деган аjoyиб нақл бор. Бугунги бозор иқтисодиёти шароитида эса ҳамма нараса маблағга бориб тақалади. Шу боис ҳам юқорида арз қилган хонадон эгасига ҳам бир нарсани эслатиб қўйишни жоиз топдик: ўз ҳуқуқингизни ҳимоя қилишингиз жуда яхши, лекин сиз ва қўни-қўшниларингиз уй-жой мулкдорлари ширкати аъзоси сифатида бурч ва мажбуриятларингизни ҳам унутмасангиз фойдадан холи бўлмасди. Ахир тўлаган пулларингиз ўзингизга қулайлик туғдиради, оила аъзоларингизга намунали хизмат бўлиб қайтади. Шикоят қилишдан аввал, мана шу ҳақда ҳам озгина ўйлаш лозиминди!?

Шарофат БАҲРОМОВА

Аттиқ, аммо оғиқ ган

АВВАЛ ЎЗИНГГА БОҚ...

Кўнғироқ жириглади. Гўшани кўтаришим билан бир киши жаҳл билан гапирди: «Ҳеч бўлмаса, сизлар ёрдам берарсизлар. Мана бир ҳафтаги уйимизда иссиқ сув йўқ, хонадонимиз яхши исмайди, ширкат дегани арзимга қулоқ солмаяпти...»

дик. Лекин мана ордан олти ой ҳам ўтдики, пулдан дарак йўқ. Ҳаммасининг қурби етади, лекин, «бугун, эртага» деб пайсалга солишадди. Ҳозир кўрасиз.

У ҳисобчини чақириб, юқоридаги уйнинг ҳисоб-ки-тоб дафтариини сўради. Бирма-бир кўздан кечирдик. Тўғри айтган экан. Ҳар бир хонадоннинг қарзи 50 мингдан — 70 минг сўмгачани ташкил этади.

— Бу фақат фойдаланиш харажатлари тўлови ҳолос, — деди ширкат раиси. — Улар иссиқ сув, иссиқлик ва бошқа хизматлардан ҳам қарздор. Борсангиз эшигини очийлашди. Ходимларимиз неча марта қуруқ қайтишпаяпти. Мана қанда хужжатларни тайёрлаб, судга бераямиз. Шунинг учун сизга қўнғироқ қилишган. Менинг

Ҳайратингиз иссиқми?

ҲАТТО ИЛИҚМАС

Иссиқ у ёқда турсин, ҳатто илтиқми деб бир оғиз сўранг. Биз истиқомат қилаётган Сергели тумани, Чоштепа кўчасидаги 412-уйда 1998-1999 йил киши мавсумидан буён иссиқлик йўқ, десам асло муболага бўлмайди. Уйимизда 30 та хонадон аъзолари яшайди. Жуда кўп жойларга мурожаат этадик. Натижаси шу бўлдики, ўтган йили иссиқлик қувурларини алмаштириб кетишди. Ахир у исиматгандан кейин алмаштирилган бизга нима фойда. Бунинг устига уйимизни 7-мавзелада жойлашган «Гулзор-сервис» уй-жой мулкдорлари ширкатига бириктириб қўйган, у ердан бирорта ходим келиб ҳолимиздан хабар ҳам олмайди. Ёлғон бўлмасин ҳалеб арз қилаверганимиздан бир ҳафта олдин иссиқлик бергандай бўлишди. Лекин барча уйлардаги қувурлардан сув оқиб

кетганлиги сабабли тезда ўчиришди. Мана яна ўтирибмиз, эшик тик этса бизга ёрдамга ким келдикин деб. Лекин ўшандан буён ҳеч ким эшикни тақдирлагани йўқ. Сувуқ эса аллақачон «эшик» қоқиб, иситиш мавсумининг, учдан бири ҳам ўтиб бормоқда.

412-уйда истиқомат қилувчилар.

БИРИДА БОР, БИРИДА ЙЎҚ

Афсуски, уйларимиз иссиқ эмас, илиққина. У ҳам фақат битта хонамизда. Қолган 2 та хонамиз эса исмайди. Шу болондан ҳам сувуқ кунларда бир хонада ўтираемиз. Бунинг устига 5-каватдан сув оқади, бир йилдан буён йўлагимизда эшик йўқ. Ширкатга мурожаат этиб чарчадик. Ҳечам фойдаси бўлмаяпти.

Мухайё МАҲКАМОВА,

Чилонзор тумани, 9-мавзе, 2-уй, 2-хонадон эгаси.

ИККИ ЙИЛДИРКИ, КУТИБ ЁТИБМИЗ

Мана икки йилдирки, хонадонимиз қачон исиркин, деб кутиб ётибмиз. Мана шу ўтган давр мобайнида «Осонлик» уй-жой мулкдорлари ширкатига, сўнгра туман ҳокимлигига шикоят қилдик. Лекин ҳеч қандай натижа бўлмапти. Шу кунга қадар, гарчи иситиш мавсуми давом этиб, қўни-қўннилларимиз иссиқ уйда ўтирган бўлишсада, биз истиқомат қилаётган 19-йўлакда иссиқлик ҳамон йўқ. Ким билади, балки «Осонлик» ширкати бунинг осон йўлини топармикан ёки бу йил ҳам Янги йилини сувуқда қалтираб кутиб олаемизмикин?

Абдусаттор БЕКМУРОДОВ,
Мирзо Улугбек тумани,
«Қорасур-4» даҳаси, 2-уйда яшовчи хонадон соҳиби.

Сўранг, жавоб берамиз

ШИРКАТ БОШҚАРУВИ РАИСИ

Уй-жой мулкдорлари ширкати раиси қанча муддатга сайланади ва у қандай ишларни бажаради? Тафтиш комиссиясининг ширкатда ўрни қандай?

Нигора Йўлчиева,
Юнусобод тумани.

— Ўзбекистон Республикасининг «Уй-жой мулкдорлари ширкатлари тўғрисида»-ги Қонунда таъкидланишича, уй-жой мулкдорлари ширкати бошқарувининг раиси Низомда

белгиланган муддатга сайланади. У ширкат манфаатларини ифодалайди, бошқарув қарорларининг бажарилишини таъминлайди, ўз ваколатлари доирасида кўрсатма ва фармойишлар бериш ҳуқуқига эга. Ширкат раиси тўлов хужжатларини имзолайди, шунингдек умумий мажлис ва бошқарув ваколатига кирмайдиган битимларни амалга оширади. У ижрочи директорликка номзодни, ширкат штатидаги ходимларнинг ички меҳнат тартиб-қоидаларини, улар меҳнатига ҳақ тўлаш ва муқофотлаш тўғрисидаги низомини умумий мажлис тасдиқига киритади.

Тафтиш комиссияси, яъни тафтишчи ширкатнинг, бошқарувининг молия-ҳўжалик фаолиятини текширади ва умумий мажлисга йиллик ҳисобот бўйича ҳулоса тақдим этади. Тафтиш комиссияси камда уч кишидан иборат бўлиб, кўпи билан икки йил муддатга сайланади.

Ҳилол

Тозалик — саломатлик гарови, деймиз ҳаммиша. Уйларимиз, ҳовилларимиз озодлолигига, саранжом-сарийшта бўлишига алоҳида эътибор қаратамиз. Лекин пойтахтимизнинг барча кўчаю хийбонларни ободим, у ердаги ноҳуш ҳолатлар шаҳар хуснига доғ бўлмаяптими?

ҚАЁҚҚА ҚАРАЯПСИЗ?

Ушбу саволга ижобий жавоб бериш бироз мушкулроқ. Негаки, шаҳримизда Обод маҳалла йиллида олиб борилган ободончилик ишларига қарамай, эътиборсизлик, лоқайдлик оқибатида бир неча кун, ҳатто ойлаб тўпланиб қолган ахлат ва ҳазон уюмлари учраб турибди. Ачинарлиси эса унга мутасадди бўлган кимсаларнинг бундан кўз юмиб, кўриб-кўрмасликка олаётганидир. Мана шундай қаровсиз жойлар, кўп қаватли уйлар олдидаги ахлат уюмлари (суратларда) гашингизни келтириши табиий. Ушбу кўчалардаги маҳалла ахли, ширкат ходимлари қаёққа қарашмоқда?

Ҳамжон Солихов
олган суратлар.



Шарқ дурдоналари

03-03 УЎТГАНИҚ

Домо бўлу...

САБР-ҚАНОАТ ҲАҚИДА

- Қийинчилик ҳаммиса хайрли келажақдан хабар беради.
- Сабр билан иш кўрган пушаймон бўлмаган ва пушаймон бўлмас.
- Сабр билан ҳар бир мақсадга етиш мумкин.
- Узинг ўзинга хушхабар бергинки, сабрнинг сўнгги—ғалаба.
- Ҳамма нарса бўла туриб, ношукрлик қилиш аҳмоқлик.
- Яхши кунни ёмон кунга сотма.
- Сахийликнинг энг чўққиси борини беришдир.
- Пасткашликнинг калити тазмадир, адоватнинг калити кўролмасликдир, роҳатнинг калити қаноатдир.
- Хушбахтликнинг суръати секин бўлади.
- Мусибат чоғида сабрсизлик қилиш мусибатнинг ўзидан ҳам оғир.
- Инсоннинг сабри унинг кўмакчиси.
- Йўқ нарсани кидирган хор бўлади.
- Ёмонлик фақат сабр билан даф қилинади.
- Молу дунёдан дардисар бўлмайдиган нарсаларни, ҳаётдан эса лозим бўлган микдорда ол.
- Дунё пийдани ҳаммиса пийда, отликни ҳаммиса отлик қилиб қўймайди.
- Замонанинг ҳар хил кийимлари бор, сен ҳам унинг кийган кийимиди бўл.
- Ўз ҳавосининг кетига тушган одам, ўз оёғи билан ўлимга кетади.

ЖАҲЛ ВА БАХИЛЛИК ҲАҚИДА

- Бахиллик одамни халқдан узоклаштиради.
- Бахил одам ўз молининг кўриқчиси ва ворисларининг омборчиси.
- Нодонликдан буюк мусибат йўқдир.
- Роҳат истасанг, жоҳил одамдан ўзингни торт, чунки туз ва темирни ташини жоҳил одам билан бирга бўлишдан осонроқдир.
- Жоҳил ўғил онасини ташвишлантиради.
- Жоҳилга жавоб бермасликнинг ўзи жавобдир.
- Ҳар ким ўзини билагон ҳисобласа, халқ уни нодон санайди.
- Ҳалокатга уч нарса олиб боради: бахиллик, тазмагирлик ва манманлик.
- Уч нарса жоҳилларга хосдир: ўринсиз ғазабланиш, ўринсиз садақа ва дўст билан душманнинг ажрата билмаслик.
- Уч нарсадан қутулиш учун уч нарсага яқинлашма: бахил бўлма, азобланасан; хасис одам билан ўтириб турма, маломатга қолсан, мол-дунёга кўп хирсингни қўйма, халқни ўзинга душман қилсан.
- Ғазабнинг боши жинниликдир, охири пушаймонлик.
- Жоҳил одам насихатни қабул қилмайди.
- Жоҳил одам яхшилик билан ёмонликнинг фарқига бормади.
- Жоҳил одамнинг айби кийимнинг устидан ҳам билинади.
- Жоҳилларнинг нодонлиги бўлмасайди, олимларнинг илми билинмасди.
- Нодонлик гўё бир туядирки, уни минган киши тойиб кетади ва унга йўлдош бўлган киши ўз йўлидан адашади.

ЎЗБЕК ИСТОҶ ВА ЖАҲОН ИСЛОҶОТЛАР ЭЪТИРОФИ

Сўнгги пайтларда юртимизда олиб борилаётган изчил иқтисодий сиёсат натижалари, хусусан, жорий халқаро валюта операциялари бўйича сўмнинг эркин алмашувини йўлга қўйиш, бозор муносабатларини янада жадаллаштириш, қишлоқ хўжалигини фермерлик фаолияти асосида тубдан ислоҳ қилиш борасидаги саъй-ҳаракатлар нуфузли халқаро ташкилотлар, сармоядорлар ва ишбилармон доиралари томонидан ижобий баҳоланмоқда. Ушбу муваффақиятларимиз жаҳоннинг таниқли илмий-тадқиқот марказларида чуқур таҳлил этилиши билан бир қаторда турли хорижий матбуот нашрларининг бош мавзусига айланган. Ҳиндистоннинг "International SocialLook" журнали шулар жумласидан бўлиб, унинг охириги сонида "Ўзбекистон Республикасида сўнгги иқтисодий тараққиёт шарҳи" сарлавҳали мақола эълон қилинди.

Ҳинд журнали 2003 йилда Ўзбекистонда халқ хўжалигининг турли соҳаларида рўй берган кенг қамровли ўзгаришларни таҳлил қилар экан, улар авваломбор аҳолининг турмуш фаровонлигини ошириш, инсон омили устуворлигини таъминлашга йўналтирилгани билан алоҳида эътиборга лойиқлигини қайд этади.

Жумладан, Ўзбекистон раҳбариятининг иқтисодий ислоҳотлар жараёнига қаратаётган юксак эътибори, изчил ҳамда оқилона сиёсати, халқаро молия ташкилотлари билан сермахсул ҳамкорлиги туфайли мамлакатда қисқа муддат ичида пул-кредит ҳамда молия бозорини тартибга солиш борасида оламшумул натижалар қўлга киритилгани таъкидланади.

"Сўнгги давр мубайнади

Ўзбекистоннинг олтин ва валюта захиралари кўпайтирилди. Тижорат банкларининг ялли капитали, банкларга қўйилган хусусий депозитлар микдори сезиларли даражада ўсди. Бу ўз-ўзидан аҳолининг банк тизимига бўлган ишончининг тобора ортиб бораётганидан далолат беради. Мамлакатнинг Халқаро валюта жағармаси билан самарали ҳамкорлиги, хусусан, қисқа муддат ичида жорий халқаро валюта операциялари бўйича миллий валютанинг эркин алмашувини йўлга қўйиш Ўзбекистоннинг халқаро молия оламидаги энг муҳим ва шу билан бирга жаҳон тажрибасида кузатиладиган ноб қадими сифатида эътироф этилади," деб ёзади мақола муаллифи.

Айни пайтда хинд журна-

ли Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамаси томонидан жорий йилнинг 26 августидан қабул қилинган "Паст рентабелли, зарар қўриб ишлаётган, иқтисодий ночор давлат корхоналари ва объектларини хусусийлаштиришни жадаллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори хусусида атрафлича тўхталар экан, ушбу ҳужжатнинг мамлакат иқтисодий ва сармоявий имкониятларини очиш ва хорижий сармояларни жалб этишдаги аҳамиятининг беқиёсдигига алоҳида ургу беради.

"2003 йилнинг биринчи ярмида Ўзбекистоннинг қатор хорижий мамлакатлар, халқаро фирма ва ташкилотлар билан муносабатлари тобора чуқурлашиб борди. Тоғ-кон, нефть ва газ sanoati, қишлоқ

хўжалиги ва транспорт соҳаларидаги ҳамкорлик фаоллашди. Бу мамлакатда мустахкам ҳуқуқий асосга эга бўлган қулай сармоявий муҳитнинг яратилгани, иқтисодий фаолият ҳафсизлигининг таъминлангани ҳамда фақатгина ўзбек халқига хос бўлган самимийлик, бағрикенглик ва меҳмондўстлик фазилатлари туфайлигина рўбга чиқди," деб эътироф этади хинд журналисти.

Йил мубайнади мамлакат иқтисодиёти соҳасида амалга оширилган кенг қўламли ташаббуслар, электр энергияси, нефть ва газ ишлаб чиқаришни янада кенгайтириш, минерал ресурсларни қайта ишлаш, замонавий технологияларни жорий қилиш, металлургия, қурилиш sanoati, телекоммуникация соҳаларини ривожлантиришга қаратилган чора ва тадбирларга мақолада алоҳида эътибор қаратилган.

Шу билан бирга муаллиф ушбу соҳаларнинг Марказий Осиё минтақасида истиқболли юксаклигини таъкидлаб, Ҳиндистон ишбилармонларини мамлакатимиз бозорларидан тезроқ муносиб ўрин эгаллашга ҳамда Ўзбекистон билан ўзаро манфаатли ҳамкорликни жадаллаштиришга чорлайди.

ҲАМКОРЛИК ФЕСТИВАЛИ

Токионинг Хибия боғида Япония Токио ишлар вазирлиги томонидан ташкил этилган Халқаро ҳамкорлик фестивали бўлиб ўтди.

Токио марказидаги Хибия боғи ўзининг жозибаси, мафтунонлиги ҳамда сўлим гўшалари ила бутун Японияда донг таратган. Император Акихито саройининг ёнгинасида жойлашган ушбу фуқунор маскан нафақат шаҳар аҳли балки кунчиқар мамлакатга таширф буюрвчи сон-санокчи сайёҳларнинг ҳам севимли зиёратгоҳи ҳисобланади.

Шу кунларда ўзининг юз йиллигини нишонлаётган Хибия боғида Халқаро ҳамкорлик фестивалининг ўтказилиши ушбу тадбирга бўлган диққат-эътиборнинг янада ортишига сабаб бўлди.

Мана ўн йилдирки, Япония ҳукумати томонидан мунтазам равишда ўтказиб келинаётган Халқаро ҳамкорлик фестивали мамлакат аҳолисига турли давлатлар билан мавжуд ўзаро алоқалар моҳиятини батафсил очиб беришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган.

Анъаналардан фарқли ўларок, бу сафарги фестиваль дастуридан МДҲ мамлакатларнинг ягона вакили — Ўзбекистон Республикаси кўргазмаси ҳам жой олди.

Унда Ўзбекистон ва Япония ўртасида йўлга қўйилган ўзаро манфаатли ҳамкорлик мавзусига алоҳида эътибор қаратилди. Давлатимиз сайёхлик салоҳияти, сармоявий имкониятлари ва бой маданий мероси ҳақида атрафлича маълумот берувчи ушбу кўргазма фестивал иштирокчиларида катта таассурот қолдирди.

Айтиш жоизки, мазкур тадбир Япония ҳукумати томонидан нафақат Марказий Осиё, балки бутун МДҲ маконидан айнан Ўзбекистон билан ўзаро фойдали муносабатларини янада ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратаётганининг тасдиғи бўлди.

"Жаҳон" ахборот агентлиги материаллари асосида тайёрланди.

1952 йилдан буён анъанавий тарзда ўтказилаётган халқаро кино анжуманида дунёнинг кўплаб мамлакатлари продюсерлари ва актёрлари, соҳа мутасаддилари ҳамда кино танқидчилари иштирок этишди.

Улар қаторида Ўзбекистон Телерадиокомпанияси ва Тошкентда фаолият кўрсатаётган "Cinema Market" жамияти ижодкорларидан иборат мамлакатимиз вакиллари ҳам бор эди.

"Фильм бозори" растасининг Ўзбекистонга ажратилган бўлими кино мутахассислари ва мухлислари билан айнақас гавжум бўлди. Хусусан, Халқаро анжуманининг тантанали очилиш маросимига ташриф буюрган Ҳиндистон Ахборот ва радиоэштиртириш вазири Равишанкар Прасад мамлакатимиз вакиллари билан қизгин мулоқот ўтказди. Прасад жаноблари хинд ва ўзбек халқлари маданияти ва санъатининг муштарак жиҳатларига тўхталиб, икки мамлакат ўртасида кино соҳасидаги ҳамкорлик бундан буён ҳам самарали ривожланишига умид билдирди.

ИККИТА ИМТИЁЗЛИ СТИПЕНДИЯ

Ўзбекистонда диний эътиқод эркинликларини кенгайтириш ва миллий-маънавий кадриятларни тиклаш борасида олиб борилаётган ишлар тўғрисида хориж оммавий ахборот воситаларида турли ахборот ва мақолалар босилмоқда. Хусусан, Мисрдаги энг нуфузли ва етакчи даврий нашрлардан бири «Ал-Ахром» газетасида Ўзбекистондаги диний аҳвол ҳақида маълумот берувчи «Имом ал-Бухорий ва Имом ал-Термизий номли ўқув стипендиялари» сарлавҳали мақола чоп этилди.

Мақолада Ўзбекистон ҳукумати диний ўқув юртлар толибларини қўллаб-қувватлаш, хусусан, оддий стипендиялар билан бир қаторда аълочилар учун Имом ал-Бухорий ва Имом ал-Термизий номлидаги иккита имтиёзли стипендия берилиши қайд этилган. Унда Ўзбекистон вакиллари Саудия Арабистонида Қуръони Каримни тиловат қилиш бўйича ўтказиладиган йиллик мусобақалар-

— Бу ерда мамлакатимизга нисбатан қизиқишни, Ўзбекистон вакилларига бўлган илқ ва самимий муносабатни кўриб бошим осмонга етгандек бўлди, — дейди "Cinema Market" маъсуляти

ҲИНД «ФИЛЬМ БОЗОРИ»ДА ЎЗБЕК КИНОСИ

Деҳли шаҳрида 34-Ҳиндистон халқаро фильм фестивали бўлиб ўтди. Ушбу анжуман Ҳиндистон ахборот ва радиоэштиртириш вазириги ҳамда Фильм sanoati уюшмаси ҳамкорлигида ташкил этилди.

ларнинг бизнинг тақдимотимизга алоҳида эътибор қаратгани бундан шаҳодат беради.

Кино анжумани доирасидаги мулоқотлар Ҳиндистон телевидениесининг "Star", "Zee TV", "Metro" каналлари орқали намойиш этилди, "The Tribune", "The Sunday Express" сингари нуфузли газеталари саҳифаларида кенг ёритилди.

Фестиваль давомида Ўзбекистон вакиллари "Fros International", "Madho Entertainment" ва "Narendra Hirawat" компаниялар билан бўлиб ўтган музокаралири натижасида фильмлар харид қилиш борасида ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйишга келишиб олинди.

ёрдამчиси ва Айн Шамс университетининг тил факультети декани Ўзбекистоннинг Мисрдаги элчихонаси билан боғланиб, ёш илм толибларининг Имом ал-Бухорий ва Имом ал-Термизий каби буюк уламолар номлидаги стипендия билан рағбатлантирилиши ҳукуматнинг дин соҳасига катта эътибор қаратаётганидан далолат беришни таъкидлашган.

«Ал-Ахром» газетасида чоп этилган бу мақола Миср мутахассислари эътиборини ўзига қаратди. Хусусан, нуфузли Ал-Ахзор университетининг талабалар билан ишлаш бўйича проректор

Хоҳ ишонинг, хоҳ...

ХОККЕЙЧИ ПАНЖАРА ОРТИДА


Норвегия пойтахти суди муз майдонида безорилик қилгани учун хоккейчи Томми Эрикссонни уч ой муддатга қамоқ жазосига ҳукм қилди. «Стьернен» ва ВИФ клублари ўртасидаги учрашув чоғида у қўлидаги чавгон (кљюшка)ни томошабинлар ўтирган трибунага улоқтирди. Натижада икки томошабин жароҳатланди, ҳатто улардан бири — 16 ёшли ўсмир сал кам ҳамма олд тишларидан айрилди.

1994 йилда ҳам «қайноқ қонли» Эрикссон полициячига ташланиб, уни дўппослаган эди. Натижада суд уни икки йилга шартли равишда ўйинлардан четлаган, ундан кейин бу жазо ҳам бир ярим йилга қисқартирилган эди.


Мана энди бу галги «Эркалик»дан сўнг хоккейчи сўзсиз панжара ортида ўтирадиган бўляпти.

СЕЗГИР ШУМАХЕР

Машхур автопойгачи, жаҳон чемпиони Михаэл Шумахер пойга пайтида одамларда худди ҳиссиз, совуқ темир-тан (робот) сингари таассурот уйғотади. Аммо менежерларнинг таъкидлашига қараганда, аслида унчалик даражада ҳиссийсиз эмас: спорт юлдузи — ўта нозик сезгирлар соҳибидир. Айнақса чемпион меҳмонхонада яшайдиган кезларда кўп азият чекади. У мутлақо сокинлик, сукунат ҳолатида ухлашга ўрганган. Ҳатто аризмас шовқин — пашшанинг визиллашими, совутгич ёки кондиционернинг элас-элас товуши, эшик гичирлашими, эшитилса бас, ўша заҳотиёқ ўрнидан сакраб туриб, бошқа «тинчроқ» хонага ўтиб кетади. Менежернинг айтишича, бир гал чемпион битта меҳмонхонанинг ўзида етти марта хонама-хона кўчишга мажбур бўлган.



Кўрғазмалар



АСАРЛАРИДА ХАЁЛОТ МУЖАССАМ

Ўзбекистон Давлат санъат музейида Бадий академия ижодкорлари уюшмасининг аъзоси, умидли мусаввири Дилором Мамедова асарлари кўрғазмаси дунроқ этмокда. Дилором тасвирий санъат лицейи ва Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий расмлик ва дизайн институтини тугатган бўлиб, ҳозирда ўзининг сара асарларини яратмокда.

Халқимизда «Устоз кўрмаган шогирд ҳар мақомга йўрғалар» деган нақл бор. Тасвирий санъатга ихлос қўйган Д.Мамедовага республикамизнинг таниқли мусаввирлари Раҳим Аҳмедов, Неъмат Қўзибоев, Бахтиёр Бобоев ва Алишер Мирзаевлар устозлик қилишди. Миллий маданиятимизни тасвирлаш ва тарғиб қилишни ўргатишди. Сезгир ва иқтидорли талаба устозлар насихатларига кулоқ солиб, бор истеъдоди, қобилиятини кўрсатиб, табиатга маҳлиё бўлиб, синчковлик билан кузатиб, хаёлотини ишга солиб, мусаввирликнинг натюрморт, манзара, портрет жанрларида ижод қила бошлади. Республикаимизнинг ҳамма жойларини кезди. Қадимий обидалари, шаҳар ва қишлоқ манзаралари, одамлар ҳаёти ва ҳаракатларини кузатиб. Қадимий маданиятимиз намуналари, миллий урф-одатларимиз мафтун бўлди. Ди-

лором билан суҳбатлашганимда: «Мақсадим миллий маданиятимизнинг турли кўринишларда тарғиб қилиш, тасвирларда, серкўёш ўлкани дунёга танитиш», дея ўз мақсадларини изҳор этди.

Олий мақсад сари бораётган мусаввирнинг ҳамма тасвирларида устозлари панд-насихатлари сезилиб турсада, ўз ижод йўли услубларига эгалиги билиниб турибди.

Унинг «Жаннатдаги муҳаббат», «Дарвешлар», «Туш» асарлари фантастик йўналишда тасвирланган бўлсада, шу кун, шу давр нафаси сезилиб туради. «Хаёт гардиши» асари эса фалсафий ғояга бойдир. «Иссиқ кун», «Жазирама» туркум асарларида ўзи севган серкўёш ўлками табиати тасвирланган. «Қишлоқ манзараси», «Баҳор келди» асарлари асосан Наврўз байрамига бағишланган бўлса, «Севишганлар» картинасида муҳаббатни

улуғлайди. «Қизалоқ» портретиде сочларини майда ўриб, яхши кайфиятда бораётган ўзбек қизчаси акс этган.

Дилором Мамедованинг рангтасвир ва графика (қалам-тасвир) асарларида кўпроқ миллий кадрятларимиз ихчам кўринишларда тасвирланган. Кўрғазмада мусаввирнинг атиги бир юз элликдан ошиқроқ иши намойишга қўйилган. Кўпгина асарлари чет эллар: Россия, Германия, АҚШ, Туркия, Англия, Япония, Хиндистон ва бошқа мамлакатлар музейлари, шунингдек коллекционерлар хоналарини беэаб турибди.

Кези келганда шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, Дилором Мамедова асарлари устозлари, кўпгина ҳамкасблари яратган рангтасвирлардан катта фарқ қилади. Шуниси биланки, ҳар бири қобилиятига кўра чуқур мушоадага эга бўлмасада зўр илҳом, ҳаяжон, иштиёқ, хаёлотда вуҷудга келган. Томоша қилган киши хаёлини ўзига тортади, қараб кўзи тўймайди, бунинг ҳам ўзига хос сеҳри бўлса керак. Энг муҳими миллий руҳият кучлилигидадир.

Маҳмуд АҲМЕДОВ, санъатшунос. СУРАТЛАРДА: Дилором Мамедованинг кўрғазмадан ўрин олган асарларидан намуналар.

САЙЁҲЛИК ИСТИҚБОЛЛАРИГА БАҒИШЛАНДИ

Мутахассислар фикрича, келажакда ўлкамизга ташриф буюрадиган сайёҳлар оқими кенгайди. Бу эса хорижлик меҳмонларга хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш, янги меҳмонхоналар қуриш, мавжудларини замонавий талаблар даражасида қайта таъмирлаш ва соҳа учун малакали мутахассислар тайёрлашни тақозо этади. Тошкент Давлат иқтисодий университетининг шу мақсадда ташкил этилган халқаро туризм факультетида тўрт йўналишда мутахассис тайёрланапти.

Мазкур университетда туризмни ривожлантиришнинг иқтисодий механизмларига оид масалаларга бағишлаб ўтказилган республика илмий-амалий анжуманида шу хусусда сўз юритилди. Тадбирда соҳа истиқболлари, меҳмонхоналар хизмати турларини кенгайтириш имкониятлари ва мутахассислар тайёрлаш жараёнини такомиллаштиришга доир масалалар муҳокама этилди.

ЎЗА

ТИЖОРAT ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

oytaxt
INFORM FM 107.2
132-26-44 132-26-45

Кўнгил учун мусиқа, мулоҳаза учун ахборот. Пойтахт ўз радиосини танлайди «Пойтахт-Информ».

Тошкент шаҳар, Ҳамза туманидаги 5-сонли давлат нотариал идорасидаги ўрни бўш нотариуслик лавозимига нотариал фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияси бўлганлар учун танлов ўтказилади. Унга қатнашишни истаганлар бир ой муддат ичида шаҳар Адлия бошқармасига мурожаат қилишлари лозим.

- Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаментининг Тошкент шаҳар худудий бўлими томонидан, ваколатли органлар қарорларига асосан давлат даромадига ўтказиш ва қара ҳисобига ундиришлик учун хатланиб банд солинган автомобиль транспорт воситаларининг ким-ошиди савдосини ўтказида.**
1. "Газ-968" автомобили, 1988 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами М 49-54 ТН, бошлангич нархи 100 000 сўм, техник носоз;
 2. "Москвич-412" автомобили, 1984 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами Э30-61 ТН, бошлангич нархи 150 000 сўм, техник носоз;
 3. "Ик-2715" автомобили, 1989 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 АГ 806, бошлангич нархи 100 000 сўм, техник носоз;
 4. "Дамас" автомобили, 2001 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 Х 59-95, бошлангич нархи 3 200 000 сўм, техник носоз;
 5. "Опель-Вектра" автомобили, 1995 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 АА 138, бошлангич нархи 2 800 000 сўм, техник носоз;
 6. "Ваз-2101" автомобили, 1981 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 Q 96-02, бошлангич нархи 1 200 000 сўм, техник носоз;
 7. "Ваз-2101" автомобили, 1971 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 S 58-70, бошлангич нархи 100 000 сўм, техник носоз;
 8. "УАЗ-452В" автомобили, 1968 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 31-58 ТНМ, бошлангич нархи 95 000 сўм, техник носоз;
 9. "Газ-330021212" юк автомобили, 2002 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 30В 34-31, бошлангич нархи 4 000 000 сўм;
 10. "Газ-3307" юк автомобили, 1991 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 98-25 ТНБ, бошлангич нархи 782 800 сўм;
 11. "Газ-53" юк автомобили, 1973 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 АН 634, бошлангич нархи 300 000 сўм, техник носоз;
 12. "Зил-157" юк автомобили, 1976 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 АО 593, бошлангич нархи 550 000 сўм, техник носоз;
 13. "Газ-672" автобуси, 1971 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 АГ049, бошлангич нархи 400 000 сўм, техник носоз;
 14. "Газ-5201" юк автомобили, 1976 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 63-24 ТНМ, бошлангич нархи 650 000 сўм, техник носоз;
 15. "Лаз-699" автобуси, 1983 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 22-48 ТНС, бошлангич нархи 830 000 сўм, техник носоз;
 16. "Лаз-695Н" автобуси, 1976 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 09-96 ТНН, бошлангич нархи 410 000 сўм, техник носоз;
 17. "Лаз-695Н" автобуси, 1981 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 24-01 ТНП, бошлангич нархи 545 000 сўм, техник носоз;
 18. "ММЗ-4505" 1987 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 АА 365, бошлангич нархи 300 000 сўм, техник носоз;
 19. "Маз-5334" автокрани, 1982 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 АУ 185, бошлангич нархи 1 000 000 сўм, техник носоз;
 20. "Маз-54323" юк автомобили, 1990 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 АД 212, бошлангич нархи 300 000 сўм, техник носоз;
 21. "Зил-130" юк автомобили, 1981 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 АК 976, бошлангич нархи 300 000 сўм, техник носоз;
 22. "Зил-555" юк автомобили, 1974 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 АК 634, бошлангич нархи 150 000 сўм, техник носоз;
- Ким-ошиди савдоси 2003 йил 18, 19, 20 декабрда соат 10-00 да ўтказилади.**
- Ким ошиди савдоси суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаментининг Тошкент шаҳар худудий бўлими биносиде ўтказилади.**
- Манзил: Тошкент шаҳри, Усмон Юсупов кўчаси 3-уй, 2-қават.**
- Маълумот учун телефонлар: 144-54-08, 41-16-38.**

Аҳоли диққатига!

1. «Тошиссиқкуввати» ИЧБ Тошкент шаҳри аҳолисига маълум қилдики, 2004 йил 1 январдан иссиқлик ва иссиқ сув таъминоти учун қуйидаги ойлик тариф (нарх)лар белгиланади: (2003 йил 16 декабрдаги №508-ТГ—2003 рақамли реестрдан кўчирма).

марказий иситиш — 1 кв.м яшаш майдонига — 95.00 сўм;

иссиқ сув таъминоти: — ҳисобга олувчи асбоблар бўлмаган тақдирда — 1.30392 сўм /киши/ ой;

— умумий чўмилиш хонасига эга ётоқхоналар учун — 654,21 сўм /киши/ ой;

— ҳисобга олувчи асбоблар бўлган тақдирда — 290,35 сўм /м²/ ой

меъёр (3,2 м³ /киши) чегарасида, меъёрдан ортиқ истеъмол қилинганда 389,72 сўм /м³/ ой.

Спорт

ЁРУФ ЮЗ БИЛАН

Тайпейнинг Карслан шахрида замонавий бешкураш бўйича ўтказилган Осиё чемпионати мамлакатимиз терма жамоаси аъзоларига омад келтирди. Қитъамизнинг ўн бир мамлакатаи спортчилари иштирок этган ушбу нуфузли турнирда ҳамюртимиз Владимир Сидоров билан бир жамоани ташкил этган қозогистонлик Нуржон Кусмуллонов, япониялик Мизоучи Эшикори учлиги умумий ҳисобда биринчи ўринни қўлга киритиб, Осиё чемпионатининг олтин медалларига сазовор бўлди.

**КИММАТБАХО
СОВРИНЛАР
ТОПШРИЛДИ**

Шаҳримиздаги марказий шахмат-шашка клубида болалар ўртасида «Труд» газетаси соврини учун шахмат бўйича халқаро турнир ўтказилди. Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятлар ёш шахматчилари иштирокида уюштирилган ушбу турнирда 180 нафар болалар ва қизлар ғолиблик учун кураш олиб боришди. Тўрт гуруҳда ташкил этилган мусобақаларнинг ғолиблари 9 тур натижаларига кўра аниқланди. «А» гуруҳи баҳсларида 15 ёшли спорт устаси Жўрабек Хамроқулов тўққиз учрашувнинг саккизтасини ғалаба ва биттасини дуранг билан яқунлашга муваффақ бўлди ҳамда 8,5 очко билан биринчи ўринни эгаллади. Ундан кейинги ўринларни 7,5 очкодан жамгарган пойтахтимиз вакиллари А.Яшин, С.Жўраев ва А.Касьянлар эгаллашди. Мамлакатимизнинг энг умидли қизлари донна сурган «В» гуруҳида эса рақибларидан кўра анча маҳоратли ўйнаган пойтахт вакили Ольга Кузнецовага омад кулиб боқди. Қашқадарёлик Сарвиноз Эргашева иккинчи, жиҳзахлик Юлдуз Хамроқуловалар учинчи ўринлар билан қиёфаланишди. 62 нафар 10-12 ёшли болалар ўзаро беллашган «С» гуруҳида эса наманганлик А.Абдуллаевга биринчи, пойтахт вилояти вакили Д.Сулаймоновга иккинчи, самарқандлик А.Султоновга учинчи ўринлар насиб этди. Қизлар иштирокидаги «Д» гуруҳида эса яна омад пойтахт вилояти вакилларига кулиб боқди. Г.Миртурсунова барчадан кўп очко жамғариб турнир шохжупасининг энг юқори поғонасини эгаллади. Шаҳримиз вакили И.Ким иккинчи, самарқандлик М.Ориқулова учинчи ўринларни қўлга киритишди. Барча гуруҳда ғолибликни қўлга киритган ёш шахматчиларга «Труд» газетаси таъсис этган қимматбах совринлар топширилди.

Акбар ЙҮЛДОШЕВ

Энгил хавфсизлиги ойлиги

БЕПАРВОЛИККА ЧЕК ҚЎЯЙЛИК!

Хадра майдонида ўйнаб юрган болалар олдида етти ёшли Баҳодир келди. «Мана, ойиқонга олдим. Ойинглар пақиллатамиз, роса зўр экан», — дея кичкинтойларни ўзининг ортидан эргаштирди. Бир зум ҳам ўтмай майдонда уч яшарлик Наргиза кўлини ушлаганича додлаб юборди. Гап билан бўлиб қолган онаси қизининг қонга беланган бармоқларини кўриб, зудлик билан шифохонага йўл олди. Кичкинтой Наргизанинг қўлидан отилиб кетган пиротехника унинг бармоқларига жиддий шикаст етказган эди.

Ха, фарзанд барчамиз учун азиз. Шу боисдан унинг кўнглини кўтаришга ҳаракат қилиб, бундан завоқланамиз. Ҳамма нарсага қизиқувчан болалар баъзан оқибатини ўйламай, кўнгиллари тусанган ишни қилишади. Бу эса кўнгилсиз воқеаларга олиб келиши мумкин.

Айниқса, Янги йил арафасида кўчақўйда пиротехника воситаларининг

пақиллаши ҳам кўпайди. Айрим ота-оналарнинг ўзлари фарзандларига шодлик улашиш учун ана шундай воситаларни сотиб олиб беришмоқда. Ваҳоланки, ушбу ўйинчоқларнинг кўнгилсиз оқибатлари ҳақида кўп гапирилмоқда. Телеэкран орқали ҳам кўплаб мисоллар келтирилиб, намоийш қилинмоқда. Пиротехника воситалар билан савдо қилаётганлар

учун эса улар келтирадиган аянчли оқибатлар аҳамиятсиз, чўнтаклари пулга тўлса бўлди.

Чилонзор туманида яшайдиган Умид исми ўсмирнинг қўлидаги пақилдоқ ёрилиб кетиб, у ун қўлининг уч бармоғидан айрилди. Шайхонтоҳур туманида истиқомат қилаётган Бобур исми саккиз яшарлик бола петард ўйнаб, уни Маҳмуд исми болага қарата отган. Маҳмуднинг юзига учиб тушган пиротехника воситаси, чап кўзига жиддий шикаст еттишига олиб келди.

Бола—бола—да! Биз катталар уларнинг тақдирига бефарқ бўлмай, ҳар бир хатти-ҳаракатини кузатиб борсақкина кўнгилсиз воқеаларнинг олди олинади. Бепарволикка чек қўйишнинг вақти келмадиммикин?

Муслима РАҲИМОВА,
Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси ёнги хавфсизлиги бошқармаси муҳандиси.



Мушоҳада

Мана ўлкамизда қаҳратон ва сокин КИШ хукронлик қилмоқда. Қиш фасллар маликаси ҳисобланади, чунки унда ўзгача виқор мужжасам. Оппоқ қорлар гўё ойдин тилакларини билдираётган оқ капалаклар сингари ўйноқлаб-ўйноқлаб ёғмоқда. Аёзли изғиринлар мудраётган вужудларимизни уйғотиб эзгуликлар сари ундамоқда.

**ҚАДАМЛАРИНГ ҚУТЛУҒ
КЕЛСИН, ОППОҚ ҚОР!**

Қишнинг зийнати оппоқ қор билан уйғундир: Яна болажонларнинг севимли айёми Янги йил байрами ҳам айнан шу фаслда нишонланади. Қишнинг фақат ўзигагина хос таровати, гаши ва сурури бор. Бурунларимизни чимчилаб, юзларимизни қизартириб, кўнгилларимиздаги губорни тарқатиб оппоқ қор ёғмоқда.

Ха, азиз юртдошим, биз ана шу оппоқ, ҳарир, учқунлаб ёғаётган қорни жуда соғингандик. Тўғрими? Ҳар фаслнинг ўз фазилати, ўз шухули бор. Табиат биз инсонларга жуда сахийлик қилиб гўзал ва бетакрор БАҲ-ОРни, серқўёш, тўкин-сочин ЁЗ, серҳосил, серхосиз зарҳал КУЗ фаслларини, уларнинг бор кўрку тароватини, файзу баракотини, мўл-кўл нозу неъматларини, ранг-баранг гулу чечакларини инъом этган.

Дарҳақиқат, фасллар бизнинг босган қадамларимизда, қилган ишларимизда, эзгу-ниятларимиз, дил оғриқларимизда ҳамнафас ва ҳамқадамдир.

Ҳар бир кунимиз ортга қайтмайдиган, қайта такрорланмайдиган кечмишлар билан ўтиб, соғинчли хотиралар билан тўлиб бормоқда. Азиз асрдошим! Атрофга боқ, яқинларингни қутла, меҳр нури билан мавжланаётган юрагингга қулқол сол. Янги йил келишига санокчи кунлар қолмоқда. Биз соғиниб кутган оппоқ қорлар ҳаммаёқни оқликка, покликка ўраб қулғаб ёғаверсин.

Қадамларинг қутлуғ келсин, ОППОҚ ҚОР! Соғинганим ва кутганим Янги йил муборак ва улуг одимларингни тинчлик, соғлиқ ва омонлик билан бир-бир босиб келавер. Виқорли қадамларинг фақат бахт ва омад олиб келсин.

Салом, Қиш! Салом, Қор!
Гулчехра ДУРДИЕВА

Биласизми?

СЕРГАПМИ, ЧАҚҚОН?

Вақтнинг давомийлиги бўйича эркаклар кўп ишлар экан, аммо аёлларимиз ана шу вақт мубоайида бир неча баробар ортиқроқ ҳажмда иш бажарганлар. Мазлум бўлишича, улар ўзига ниҳоятда талабчан, мақсаллари рўёбга чиқишида қатъиятли эканлар.

Агар кечки соат тўртларми-бешлар орасида ишхонадаги аёлларни синчиклаб кузатсангиз, уйга барвақтроқ кетиш учун ўз ишларини ғайрат билан ниҳоясига етказаятганликларининг гувоҳи бўласиз. Бу вақтда эркакларни кузатсангиз, уларнинг таранг асабларини бўшашиши айнан мана шу вақтга тўғри келади. Эркаклар беш ёки олтидан кейин ҳам уйларига кетиш учун унчалик шошнимайдилар.

— Аёллар ўз зиммаларидаги юмушни бажариш учун ўша заҳотиёқ ҳаракатга тушиб қолишади, — дейишмоқда. АҚШлик тадқиқотчи олимлар. Уларнинг кузатишларига қараганда, иш вақтида эркаклар аёллардан ҳам кўпроқ гаплашишар экан. Айниқса соат миллари бешга яқинлашгани сари сергапниги авжига чиқади.

Шунингдек олимларнинг таъкидлашича, аёллар уйларига эрта-роқ кетиш учун ҳам ўз ишларини тезкорлик билан битирар эканлар.

БОТАНИКА САРГУЗАШТИ

Дунай дарёсида чўкиб кетган кемада сув ости ишлари олиб бораётган ғаввос Василе Виштану кимдир оёғидан ушлаб тортаётганини сезиб қолди.

Жуда бўлавермагач, у охири дақиқаларда ёнидаги пичоқ билан пойфазал ипларини кесиб юборди ва озод бўлди. Орандан бир неча кун ўтгач маҳаллий балиқчилар Дунай дарёсидан оғирлиги 100 килолик балиқ ушлашган. Буни қарантки, унинг ичидан ғаввоснинг пойфазали чиққан. Агар лаққа балиқ тўрға тушмаганда, Василенинг гапига ҳеч ким ишонмасди. Чунки, ғаввоснинг пойфазали 12 кило бўлиб, у тери, кўрғошин ва жездан тайёрланганди.

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

Тошканбой Эгамбердиев номидаги Тошкент Давлат цирки
2003 йил 26 декабрдан 2004 йил 11 январгача

ЦИРКДА АРЧА
Болалар! Сиз учун ўқувчиларнинг қишки таътил кунларида

АЛОВУДИН ВА УНИНГ ДУСТЛАРИНИНГ ЯНГИ ЙИЛ САРГУЗАШТЛАРИ ТОМОШАЛАР

26 декабрда: 15.00, 18.00.
27 декабрдан 30 декабргача: 10.00, 12.00, 14.00, 16.00, 18.00.
31 декабрда: 10.00, 12.00, 14.00, 16.00.
1 январдан 11 январгача: 10.00, 12.00, 14.00, 16.00, 18.00 да бошланади.

Жамоа бўлиб келиш учун талабномалар қабул қилинади. 50 дан ортиқ чипталар олинганда бўлса, улар ташкилотларга кўшимча ҳақ тўланмасдан етказиб берилади.

Чипталар цирк кассаларида ва туман кассирлари томонидан сотилмоқда. Ҳақ турли шаклда тўланиши мумкин. Касса эрталабки соат 9.00 дан очил.

Маълумотлар учун телефонлар: 144-29-04, 144-35-91, 144-32-23.

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

Манзилими: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

Муассис: Тошкент шаҳар ҳокимлиги

ТЕЛЕФОНЛАР:
хатлар — 133-29-70;
эълонлар: 133-28-95, 132-11-39;
факс: (3712) 133-21-56.

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади.
3557 нусхада босилди. Қоғоз биринчи А-3

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чқиди.
Навр кўрсаткичи — 563

Газета Ўзбекистон Давлат матбуот қўмитасида 10-қирғим билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент погтамтига» — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишиңиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашрийт-маъбоа акциддорлик компанияси босмахоноси. Корхона манзили: «Буёқ Тўро» кўчаси, 41-й.